



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# Поетга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2003 йил 24 июль, пайшанба • 30 (3506)-сон

Наманган вилояти ИИБ ЭКБ ходимлари ҳар бир чигал жиноятларнинг очи-лиши касб маҳоратига боғлиқлигини яхши англа-шади.

Эксперт-криминалистика бўлими лабораториялари замонавий техник восита-лари, зарур компьютер дастурлари, маълумотлар банки билан таъминланган.

Жорий йил бошидан буён дактилоскопик экс-пертизалар ёрдамида ўттизта жиноят, бошқа тадқиқотлар натижаларига кўра эса қирққа яқин жи-ноят фош этилди. Бу албат-та, қийин, лекин шарафли касб эгаларининг самарали меҳнатидан далолат бериб турибди.

Суратларда: Наманган шаҳар ИИБ экс-перт-криминалисти, милиция лейтенан-ти И. Муҳитдинов ва вилоят ИИБ экс-перт-криминалисти, милиция лейтенан-ти З. Қутбидинов дактилоскопик экс-пертиза ўтказишяпти; кимёвий экспертиза бўлимида эксперт-криминалисти, мили-ция катта лейтенанти Р. Кенжаев гийҳ-вандлик моддасини текшириб кўряпти; вилоят ИИБ ЭКБ бошлиғи, милиция под-полковниги З. Раҳмонов ва катта эксперт-криминалист, милиция катта лейтенан-ти М. Мирзаабдуллаевлар иш устида.



## ЭКСПЕРТИЗА-ТИЛСИМЛАР КАЛИТИ



Б. КЛЕЙМАН олган суратлар.

### УШБУ СОНДА:

#### КУН ТАРТИБИДА ДОЛЗАРЪ МАСАЛА

Дунёдаги мувоза-натни бузишга уринаётган бир тўда нопок шахслар томони-дан амалга оширилаёт-ган террорчилик ҳара-катлари натижасида бегуноҳ инсон-ларнинг қони тўкилмоқда...

2

#### ИНСОН ҲАЁТИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида юз бераётган кўп-лаб ижобий ўзгаришлар, шу жумладан, бозор иқтисодиё-тига ўтиш ва хусусийлашти-риш жараёнидаги ўзига хос мураккабликлар миллий қонунчилигимизга ҳам кўпгина ўзгартиш ва қўшим-чалар киритилишини тақозо этмоқда.

4

#### ҚАДИМГИ ХИТОЙДА «ОДИЛ СУДЛОВ»



5

#### «ШАҲИДЛАР»НИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАШ МУМКИН?

... Мақсад уларни гаровга олинганлар-га алмашиш эди. Бундан хабар топган террорчилар дирҳол ҳокимият вакиллари-га таслим бўлишди...

14

## УЧИНЧИ

«Поетга» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

TV OLAM

Шунингдек, газе-тамиз саҳифала-рида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа мате-риаллар билан танишасиз.

# ОГОҲЛИК – МАСЪУЛИЯТДИР!

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройида "Огоҳлик – масъулиятдир" мавзуида бўлиб ўтган Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган шаҳар фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган йиғилиш кўпчилигининг эътиборини тортди. Шу муносабат билан мамлакатимизнинг турли бурчакларида ана шу йиғилишда кўтарилган масала бўйича тадбирлар ўтказилмоқда. Қуйида қатор вилоятларда ўтказилган тадбирлар ҳақида ҳикоя қиламиз.



## КУН ТАРТИБИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Дунёдаги мувозанатни бузишга уринаётган бир тўда нопок шахслар томонидан амалга оширилаётган террорчилик ҳаракатлари натижасида бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилмоқда. Бундай нохушликларни халқимиз ҳам ўз бошидан кечирган. Ҳозирда турли мамлакатларда содир бўлаётган бундай террорчилик ҳаракатлари ҳар бир фуқарони янада ҳушёр ва масъулиятли бўлишига ундамоқда.

Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида "Огоҳлик – давр талаби" мавзуга бағишлаб ўтказилган йиғилишнинг асосий мақсади ҳам шунга қаратилди. Унда Тошкент вилояти ҳокими,

шаҳар, туман хотин-қизлар кўмиталари раислари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, туман ИИБлари раҳбарлари, ҲООБ бошлиқлари, профилактика инспекторлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими У. Мирзақулов кириш сўзи билан очди. У жаҳонда содир бўлаётган террорчилик ҳаракатларининг мақсади ва моҳиятига тўхталди. Чунончи, мустақиллигимизни кўра олмаётган ғараз ниятли кимсалар йўқ эмаслиги, фақат биргаликдагина уларга қарши курашиш, огоҳ бўлишга эътиборни қаратди.

Шундан сўнг республика Ички ишлар вазири ўринбосари,

милиция полковниги Х. Зокиров юртимизда содир этилган кўпуровчилик ҳаракатларини қайд этиб ўтар экан, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун кенг қамровли ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлади. Шунингдек, у ёшларни ўз домига тортаётган жиноий гуруҳлар, гиёҳвандлик, норасмий диний оқимларга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини алоҳида таъкидлади. Маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонларининг бу борада йўл кўяётган камчиликларини санаб ўтди.

Оммавий тадбирларни ўтказишда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича

ҳукуватимиз қабул қилган қарорларнинг ижроси юзасидан республика Ички ишлар вазирилик томонидан амалга оширилаётган ишлар қайд этилди.

Вилоят прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Ф.Раҳимов ўз маърузасида диний ниқоб қилиб олиб, ўз нопок ниятларини амалга оширишни кўзлаган "Ҳизбут-тахрир", "Ваҳҳобийлик" норасмий диний оқимларнинг қурбонига айланган айрим шахсларнинг юрти, оиласидан узоқда юргани аянчли ҳолдир, деб таъкидлади. Президентимиз уларни афв этганини тўғри қабул қилган 6 киши тавба қилиб оиласи бағрига қайтди.

Сўзга чиққан Бўстонлик

тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Т. Казакова хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда хотин-қизлар ўрни беқиёслигини айтиб ўтди. Аёлларни жамоат ишларига кенг жалб қилиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим эканлигига тўхталди.

Тошкент тумани "Навоий" номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Э.Фуломов, вилоят имом-хатиби И.Суннатиллаев, Қибрай тумани "Қизил шалола" маҳалла фуқаролар йиғини посбонлари сардори К. Зиёдуллаевлар ҳам террорчилик ҳатти-ҳаракатларини қоралаб, йиғилганларни биргаликда унга қарши курашишга даъват этди.

М. ИБРОҲИМОВА.

## КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШ

22 июль куни Сурхондарё вилояти ҳокимлиги мажлислар залида вилоят фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, маҳалла оқсоқоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилиш огоҳликка бағишланди.

Йиғилишни Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Қ. Мадартов очиб, маъруза учун сўзни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбовга берди. Нотиқ халқимизнинг сезгирлиги ва ҳушёрлигини ошириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида тўхталди.

Шундан сўнг Термиз Давлат университети ректори Х. Аллақулов, Термиз шаҳридаги 2-мактаб директори, Олий Мажлис депутати Р. Каттаева, Термиз шаҳар халқ таълими бўлими бошлиғи Д. Аннаев, "Жўйижангал" маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Ж. Қосимовалар сўзга чиқиб, маъруза юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этишди.

С. НОРМУРОДОВ,  
милиция майори.

## ЯКДИЛЛИК БИЛАН

Фарғона вилоятида "Огоҳлик – масъулиятдир" мавзуида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари Х. Каримов очди. Шундан сўнг кун тартибидаги масала бўйича республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги А. Усманов маъруза қилди.

Нотиқ республикамизда терроризмга қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу борада вилоят ички ишлар идоралари ходимлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

Йиғилишда вилоят ҳокими А. Отабоев қатнашди ва сўзга чиқди.

М. КИМСАНБОВ.

жамғармаси раиси М. Бозоров, Кармана тумани ҳокими ўринбосари М. Адизова, Навоий тумани Малик Работ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси С. Йўлдошев ва бошқалар киши қайси соҳада ишлашидан қатъи назар эл-юрт тинчлиги ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдек эзгу мақсад йўлида бирлашиб, ҳам-жиҳатликда иш олиб борилиши лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Б. Рўзиев йиғилиш якунида вилоятдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида гапириб, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа жамоат бирлашмалари олдида турган энг муҳим вазифалар ҳақида алоҳида тўхталди.

Н. РАҲИМОВА.

Акс садо

## БИР ТАҢУ БИР ЖОН БЎЛИБ

Республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматовнинг милиция ходимлари, маҳалла фаоллари ҳамда посбонлари билан ўтказган йиғилишида сўзлаган маърузаси ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Афсуски, орамизда ўз манфаатларини юртниқидан устун қўйувчи нопок кимсалар учрайди. Дунёнинг турли бурчакларида юз бераётган террорчилик ҳаракатлари бунинг яққол мисолидир. Шу боис биз маҳалла аҳли ўртасида тушунтириш ишларини янада жонлантиришга қарор қилдик. Бу борада маҳалла аҳли билан ҳам-корликда махсус режа ишлаб чиқилиши кўзда тутилган. Унга кенг жамоатчиликни жалб қилиш ниятидамыз. Тинчлигимиз, осойишталигимизни сақлаш ишида бир тану бир жон бўлиб иш юритганимиздагина бунга эришишимиз мумкинлигини фуқароларимиз онгига сингдиришимиз лозим.

Бугун маҳаллаларда олиб бораётган асосий ишларимиз ана шулардан иборат.

Д. СОБИТОВ,  
Тошкент тумани "Шамсиобод-Янги ҳаёт" маҳалласи  
профилактика инспектори, милиция капитани.

## ФИКРЛАШИБ ОЛИШДИ

Фарғона вилоятидаги маҳаллалар ва кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларга террорчиликнинг аянчли оқибатлари ҳақида тушунтиришлар олиб бориляпти.

– Пойтахтда ўтказилган йиғилиш тафсилоти билан видеотасма орқали танишдик, – деди Фарғона шаҳар ИИБ ҲООБ бошлиғи, милиция майори И. Эргашев. – Сўзга чиққанларнинг фикрини эшитиб, ўзимиздаги мавжуд камчиликлар юзасидан фикрлашдик ва режага ўзгартишлар киритдик. Террорчи жой ёки вақт танламайди. Шу боис ҳам шаҳарнинг гавжум жойлари, йирик дўкон, томошагоҳлар, автошоҳбекатлар, бозорларда назорат кучайтирилди. Ўтказилаётган тадбирларда жамоатчилик вакиллари ҳам жалб этилаётгани айтиш мумкин бўляпти.

К. МУҲАММАДРАСУЛОВ.

## ЁВУЗЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Навоий вилояти ҳокимлигида огоҳликка даъват этиш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, педагог-тарбиячилар, "Камолот" ижтимоий ёшлар ҳаракати, "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари ҳамда вилоятдаги бир қатор ташкилот ҳамда муассасалар раҳбарлари иштирок этдилар.

Тадбирни вилоят ҳокими Б. Рўзиев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг тўпланганлар олдида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари,

ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров "Огоҳлик – давр талаби" мавзуида маъруза қилди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан Навоий шаҳар "Нуроний"

«Галла - 2003»

# ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛДИ

**Хоразм вилояти деҳқонлари об-ҳаво қийинчиликларига қарамай бу йил ҳам галладан мўл ҳосил етиштирдилар. Омборларга 68.500 тонна "қирмизи дон" етказиб берилди. Режа ортиги билан бажарилди.**

Айни кунларда вилоят галлакорлари далалардаги ҳосилни исрофгарчиликсиз ўриб-йиғиб олиш учун кечаю-кундуз тинмай меҳнат қилишмоқда. Бу ишда уларга ички ишлар ходимлари яқиндан ёрдам беришяпти. Айниқса, "Галла-2003" тадбирида Хонқа тумани ИИБ ЙХХБ ходимлари фаол иштирок этишмоқда. Тадбир олдида ўрим-йиғимда иштирок этиши мўлжалланган 31 та автомашина, 80 та трактор ҳамда 22 та комбайнларнинг мавсумга шайлиги текшириб чиқилди. Хайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишлари, носоз транспорт воситаларидан фойдаланмасликлари алоҳида ўқтирилди. Далаларда, дон қабул қилиш омборхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Натижада туман ҳудудидagi 3850

гектар майдондаги галладан 8250 тонна юқори сифатли дон йиғиштириб олинди ва режа ортиги билан удаланди.

Бироқ, шולי курмасиз бўлмаганидек, орамизда ўз нафсини жиловлалмаётган кимсалар ҳам

йўқ эмас. Ички ишлар идоралари ҳамда прокуратура ходимларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида Ҳазорасп туманидаги "Эркин" ширкат хўжалиги бўлим бошлиғи Э. Оллаёр 3 тоннадан зиёд буғдойни уйига олиб бориб тўкканида қилмиши ошкор бўлди.

Милиция ходимлари бундай қонунбузарликларни фош этиб, галла нест-нобуд қилинмай, ташмачиликларсиз қабул пунктларига етиб бориши учун бор имкониётларни ишга солмоқдалар.

**Х. ЖАБОРОВ.**



# ТЕЗКОР ШТАБ КАБАРЛАРИ

**Галлани қабул қилиш даврида содир этилиши мумкин бўлган ҳолатлар, яъни тарозидан уриб қолиш, сунъий равишда галланинг намлиги ва ифлосланиш даражасини юқори кўрсатиш ҳамда навини пасайтириш орқали қўшимча галла ҳосил бўлишига олиб келувчи сабабларни аниқлаш, бунга йўл қўймаслик мақсадида тезкор кузатув йўлга қўйилди. Шу мақсадда жойларда алоҳида постлар ташкил этилди.**

Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг 21 июль кунига қадар республикамиз бўйича галла билан боғлиқ қонунбузарликлар учун 25 нафар шахсга нисбатан жиноят иши кўзга тилди. Ташмачилардан 61518 килограмм галла олинди, давлат галла пунктларига топширилди.

**Шу даврда галла билан боғлиқ 449 та майда ўғирликлар қайд этилиб, шулардан 270 таси галла хирмонларида, 110 таси дон ташишга жалб этилган транспорт воситаларида содир бўлгани фош этилди.**

Комбайнларнинг бункерида доннинг қолиб кетиши ва ўғирланишига йўл қўймаслик мақсадида иш тугагандан сўнг ҳар бир комбайн бункерини текшириб кўриш йўлга қўйилди. Натижада 19 та комбайн бункеридан майда ўғирлик қилингани аниқланди.

**Жами 838 та ҳуқуқбузарликлар содир этилиб, 822 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Улардан 2107315 сўм миқдорда жарима ундирилди. 19390,5 килограмм дон омборхоналарга топширилди.**

Жойларда 6885 та ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳолатлари қайд этилди. Бундай қоидабузарликка асосан бирламчи ёнғин ўчириш воситалари ва ўқун ўчиргичи бўлмаган, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланмаган транспорт воситаларининг эгалари йўл қўйган. Ёнғин хавфсизлигига риоя қилмаган шахсларга нисбатан 7141380 сўм миқдорда жарима солинди.

**М. РАВШАНОВ,**  
милиция майори.

## Хабарлар

### ЁШ АСКАРЛАР САФИМИЗДА

ИИВ Қоровул қўшинлари ҳарбий қисмларига хизматга чақирилган ёш аскар йигитлар сафимизга келиб қўшилганига ҳам 3 ойдан ошиб қолди.

Полковник Ш. Чиналиев сардорлик қилаётган жамоада уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий техника билан таништириш, ижтимоий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий билим савиясини оширишда талайгина ишлар амалга оширилди.

Бўлималардан бири командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор В. Содиков маънавий-сиёсий тайёргарлик дарсларида уларга республикамизда амалга оширилаётган янгиликлар ва Ҳамдўстлик мамлакатларида рўй бераётган муҳим ўзгаришлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берапти. Лейтенантлар Ш. Бегалиев, С. Баубековлар ёш аскарларга ҳарбий илм сир-асрорларини ўргатиш, жанговар шайлик, жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлашда яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар. Бухоро вилояти Когон туманидан хизматга келган оддий аскар Р. Аҳмедов, самарқандлик оддий аскар Э. Қозоқовлар командирлари томонидан ишониб топширилган жанговар вазифаларни аъло даражада бажариб, бошқа аскарларга ўрнак бўлмоқдалар.

Биз ёш аскарларимиз эл-юрт олдидаги йигитлик бурчларини аъло даражада бажариб, ота-оналари бағрига ёруғ юз билан қайтишларига тилақдошимиз.

**Б. ЛУТФУЛЛАЕВ,**  
сержант.

Республика ИИВ Транспорт ИИБ пост-патруль хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаси ташаббуси билан амалий йиғин бўлиб ўтди. Унда темир йўл транспорт иншоотларида ҳуқуқбузарликлар, ёнғиннинг олдини олиш, ташилаётган юкларни манзилларга етказиб беришда ҳар иккала хизматнинг шу кунлардаги долзарб вазифалари тўғрисида фикр юритилди.

Маълумки, ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлими бир пайтлар ички ишлар тизими таркибида бўлган. Кейинчалик ажратилиб, темир йўл хизматида берилди, дейди Транспорт ИИБ пост-патруль хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Мелибой Худойназаров. Кейинчалик уларга бўлган эътибор сусайиб кетганди. Хусусан,

### ҲАМКОРЛИК — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

ўқчилар таркиби мукамал синовдан ўтмаган ходимлар билан тўлдирилганлиги боис, юкларни ташишда талон-торожликлар юз бериб келаётган эди. Ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаси хизматчиларига бир қанча ваколатлар берилган

бўлса-да, улар бундан унумли фойдаланмас эдилар. Энди буларнинг барчасига чек қўйиш фурсати етди. Бизнинг бошқармамиз ҳозирдан улар билан узвий алоқа ўрнатган.

— Ҳақиқатан ҳам мавжуд 1600 нафар ходимларимиз-

нинг маънавий-маърифий билимларини ошириш, таълим қуроли ва ўқ-дориларни сақлаш, улардан фойдаланишларида ички ишлар ходимларининг тажрибаси жуда муҳим, — дейди ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаси бошлиғи Акромжон Абдуллаев. — Булардан ташқари хизматчиларга қўл жанги ва жанговар ўқув машғулотларини ташкил қилишни режалаштирганмиз.

Яна оз фурсатлардан сўнг ушбу бошқарма таркибида кинология хизмати йўлга қўйилади. Бунинг учун Транспорт ИИБ билан шартнома тузилган. Айни дамда 20 нафар ходимга хизмат итлари ажратилиб, машғулотлар бошлаб ўйорилган.

Тадбир сўнгиди ҳар икки тизим ходимлари "ТТ" русумли тўппончадан ўқ отиш бўйича синовдан ўтказилди.

Икки томонлама ҳамкорлик албатта муваффақият келтиради.

**Қ. СОБИРОВ.**  
Суратда: тадбирдан лавҳа.



### МАЪРИФИЙ МУЛОҚОТ

Ўзбек Миллий академик драма театрида ИИВ ҳузуридаги Кўриқлаш республика Бирлашмаси ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Маърифий мулоқот тарзида ўтган мазкур тадбирда республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари Қ. Аъзамов, ҳуқуқий-маърифий тарғибот маркази бўлим бошлиғи М. Фуломовлар иштирок этиб, ҳуқуқий-маънавий жабҳаларда ўтказилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичи хусусидаги мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, йиғилишда жорий-йилнинг олти ойи мобайнида кўриқлаш тизими ходимлари томонидан амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқ ва камчиликлари тўғрисида Бирлашма бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Х. Раҳматуллаев сўз юритди.

**М. АБДИЕВ,**  
милиция старшинаси.

Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг "Гиёҳвандлик — XXI аср вабоси" мавзусида минтақавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ИИБ, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, Тошкент шаҳридаги маҳаллаларнинг оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмиталари раислари ва Тошкент Давлат ислом университетининг бир гуруҳ ёшлари қатнашдилар.

### МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР-КЕНГАШ

Тадбирни комиссия раиси Ш. Салимова олиб борди. У йиғилганлар эътиборини дунё миқёсида тобора кенг ёйилиб, ёшларни ўз домига тортаётган гиёҳвандликнинг илдиэларига қаратди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар гиёҳвандлик оқибатлари, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида унга

қарши олиб борилаётган кураш борасидаги ишлари ҳақида тўхталдилар. Айниқса, болалар ва аёллар ўртасида гиёҳвандлик, оғуни сотиш ва ноқонуний айланиши, истеъмол қилинаётганлиги афсус билан қайд этилди. Кенгашда мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришди.

Ўз мухбиримиз.

### НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ тизимида 2003 йил биринчи ярим йили яқунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. ИИВ штаб бошлиғи, милиция подполковниги Аминбой Юсупов ўтган даврда амалга оширилган ишлар ҳақида маъруза қилди.

Маъруза юзасидан ИИВ ҲОУБ бошлиғи, милиция подполковниги Азат Тлеумуротов, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Самандар Полвонов, ИИВ ЖҚББ бошлиғи, милиция полковниги Улуғбек Атаниезовлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги М. Бабаниязов эса қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Нотиқ йиғилганлар эътиборини, терроризмнинг турли хил кўринишларига нисбатан мурасим бўлиш, хавфсизликка қаратилган тезкор тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказиш, профилактика хизматини янада жонлантиришга қаратди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Д. ХУДОЙШУКУРОВ.**

## Ислохотлар амалда

**Мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида юз бераётган кўплаб ижобий ўзгаришлар, шу жумладан, бозор иқтисодиётига ўтиш ва хусусийлаштириш жараёнидаги ўзига хос мураккабликлар миллий қонунчилигимизга ҳам кўпгина ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини тақозо этмоқда. Шу ўринда республикамизда "Жинойт жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилинганлиги ҳам мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида олиб борилаётган ишларнинг энг олий мезони сифатида намоён бўлди. Мазкур Қонун амалга татбиқ этилгач, ўтган икки йилга яқин вақт ичида қандай натижаларга эришилди?**

Маълумки, жамиятда кўпчилик фуқароларнинг иродасига, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланганлигига асосланган қонунийлик ҳамда ҳуқуқий тартибнинг мустақамлиги демократик-ҳуқуқий давлат барқарорлигининг асосларидан бири ҳисобланади. Юқорида қайд этиб ўтилган Қонуннинг қабул қилиниши бу асоснинг янада мустақамлишида гоёя муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга асосан амалдаги Жиноят Кодексининг 51 та моддаси (асосан биринчи ва иккинчи қисмлари)га ўзгартишлар киритилиб, ўлим жазоси авваллари 8 та модданинг тегишли қисмларида кўрсатилган жинойтларни содир этганлик учун қўлланилган бўлса, энди фақат 4 та моддада белгиланган жинойтларни, яъни жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириб (97-модданинг 2-қисми), агрессия (151-модданинг 1-қисми), геноцид (153 модда) ҳамда терроризм (155-модданинг 3-қисми) жинойтларини содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши белгилаб қўйилганлиги, шу жумладан ўлим жазоси қўлланилмайдиган (аёл ва 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир этган) шахслар тоифасига 60 ёшдан ошган эркакларнинг ҳам киритилганлиги мамлакатимизда инсон ҳаёти, унинг кадр-қиммати олий қадрият эканлиги амалда яна бир бор ўз исботини топди. Бу эса фуқароларнинг барча ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатловчи, демократик конституцияларга қўйиладиган юксак талабларга жавоб бера оладиган бош Қомусимизнинг асосий тамойиллари билан муштаракдир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида ўзининг янгиланиш ва тараққиёт йўлини аллақачон танлаб олган мамлакатимизда миллий урф-одатлар, қадриятлар ва аъналарга мувофиқ, адолатли фуқаролик жамияти ҳамда демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёни авж паллага чиққан ҳозирги даврда бу нарса қонунларимизда ҳам ўз аксини топмай қолмайди, албатта. Юқоридаги ўзгаришлар амалдаги Жиноят Кодексига яраштириш институтининг киритилишида, яъни унинг Умумий қисмини янги 66-1 модда (Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш) билан тўлдирилишида ҳам намоён бўлди.

Суд ва тергов амалиётидан маълумки, авваллари жойларда энг кўп содир этиладиган жинойтлар сифатида қасддан баданга ўртача оғирликдаги шикаст етказиш (Жиноят Кодексининг 105-моддаси), қучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (106-м.), зарурий мудофаа че-

силиб, уларнинг ўзи ҳам, фарзандлари ҳам, бошқа яқин қариндошлари ҳам нуфузлироқ ўқув юртига ўқишга кириш ёки яхшироқ ишга жойлашиш имкониятидан бутунлай маҳрум бўлишарди. Бу эса ўз навбатида давлатимиз суд-ҳуқуқ тизимига нисбатан норозилик кайфиятини туғдирарди.

Амалдаги Жиноят Кодексига 66-1 модданинг киритилиши юқоридаги салбий оқибатларга бутунлай барҳам бермоқда. Жиноят Кодексининг 26 та моддасининг тегишли қисмларида назарда тутилган жинойтларни илк бор содир этган шахс агар ўз айбига иқроор бўлиб, жабрланувчидан уэр сўраб, у билан ярашса, шунингдек етказилган зарарни тўлиқ

фирибгарлик, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, ўзлаштириш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, ўзлаштириш ёки талон-торож қилиш, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш каби жинойтлар бўйича ички ишлар идоралари томонидан 2450 нафардан ортиқ шахсларга нисбатан 2360 та ишлар ярашганлик туфайли судга юборилган. Рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, бу борада олиб борилаётган ишларнинг кўлами кенг.

Лекин баъзи фуқароларимиз яраштирув институтининг асл моҳияти, ҳуқуқий оқибатларини тўлиқ тушуниб етмаганликлари боис томонларнинг ярашганлиги муносабати билан судга юборилган жинойт ишлари судлар томонидан қўшимча терговга қайтарилишига сабаб бўлмоқда. Масалан, шу йил 16 февраль куни Фарғона вилояти, Риштон тумани, Бешкапа қишлоғида яшовчи Солижон Ҳасанов кўшниси Ёқубжон Собировнинг товуқлари ҳовлисида юрганини кўриб, уларни қувиб юборди ва "товуқларингни ҳовлингдан чиқарма" деб кўшниси билан жанжаллашиб қолади. Бунинг натижасида улар бир-бирларига ўртача ва энгил тан жароҳати етказдилар. Ушбу ҳолат юзасидан Риштон тумани ИИБ қатта терговчиси А. Мадаминов томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилади. Тергов жараёнида ҳар иккала томон ўзаро келишиб, ярашиб олганликлари тўғрисида ариза билан мурожаат қилганликлари сабабли жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 584-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Риштон тумани судига юборилади. Лекин суд мажлисида С. Ҳасанов кўшниси билан ўзи эмас, маҳалла аҳли ўртага тушиб яраштириб қўйгани ҳақида кўргазма беради. Суд гумон қилинувчилар ихтиёрий ярашишмаган, бир-бирларига етказилган зарарни бартараф этиш чорасини кўрмаганлар, деган хулосага келади. Бундан ташқари, Ё. Собировнинг ярашиш тўғрисидаги аризасида ҳам ихтиёрий ярашганлиги кўрсатилмаган бўлиб, "маҳалла вакиллари яраштирди" деб қайд этилган. Шунингдек, Ё. Собиров ва С. Ҳасановларнинг аризаларида етказилган зарар бартараф этилгани, ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимосномалар кўрсатилмаганлиги сабабли жиноят иши қайта терговга юборилади.

Шу каби камчиликларга йўл қўймаслик учун ярашув мақсадида ариза ёзаётган фуқаро Жиноят-процессуал кодексининг 583-моддасида кўрсатилган ярашув тўғрисида ариза бериш тартибига қатъий амал қилиши зарур.

Агар биз, ички ишлар идоралари ходимлари халқимизга ярашув институтининг асл моҳиятини тўғри тушунтира олсак ва амалиётда қонун талаблари бўйича қўлласак, ишончим комилки, соғлом жамият қурилишига муносиб ҳисса қўшамиз.

**У. ҚАРШИБАЕВ,**  
республика ИИБ Тергов Бош бошқармасининг бошқарма бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги.

## ИНСОН ҲАЁТИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

гарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш (107-м.), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш (108-м.), қасддан баданга энгил шикаст етказиш (109-м.) ва бошқалар

тўласа жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Бизга маълумки, оилада эрхотин, ака-ука ёки қариндошуруғ ўртасида бўлиб ўтадиган жанжаллар, аксарият ҳолларда суриштирув ёки тергов жараёнида ярашув билан тугаб, улар жиноят ишини тугатиш ҳақида ариза билан мурожаат этади-



Тошкент вилояти ИИБ тергов бошқармаси ходимлари соҳала амалга оширилаётган ислохотларни ҳаётга жорий этиш учун бор билим ва маҳоратларини ишга солишяпти.

Суратда: тергов бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Т. Шоназаров (чапдан) бўлишма бошлиғи, милиция майори И. Иномжонов ва терговчи, милиция майори Ш. Маматовлар навбатдаги ишларни режалаштиришяпти.

**Д. ПАРПИЕВ** олган сурат.

эътироф этиларди. Шунга ўхшаш жинойтларни биринчи марта содир этган кўплаб фуқаролар ўз айбларига иқроор бўлиб, пушаймонлик билдиришса-да, барибир жиноий жавобгарликка тортилар эдилар. Бу эса ўз навбатида биринчидан содир этилаётган жинойтлар сонининг ошишига олиб келса, иккинчи томондан қариндош-уруғ, кўни-қўшни, ҳатто ота-оналар, фарзандлар, ака-ука, опа-сингиллар ҳамда бошқа яқин кишиларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида ёки жаҳл устида қилган ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши оқибатида бир-бирлари билан бегоналашиб, баъзан эса душман бўлиб қолишларига олиб келарди.

Энг ачинарлиси, жавобгарликка тортилиб судланган шахсларнинг пешонасига "судланган" деган тавқи лаънат бо-

лар. Яраштирув институти киритилгунга қадар бундай ҳолатларда иккала томон ярашганидан қатъи назар жиноят иши суд муҳокамасига юборилар эди. Натижада "судланган" деган тағма босилиши ва бу оила фарзандлари қалбига қанчалик жароҳат етказиб, онгига ўчмас из қолдиришини кўза олдимизга келтирайлик. Яраштирув институтининг киритилишидан мақсад фуқароларимизни ҳуқуқий ҳимоялаб, улар имкон қадар судланишларининг олдини олиб, соғлом жамият яратишдир.

Рақамларга мурожаат қилайлик. Яраштирув институти киритилгандан буён ички ишлар идораларидан 8829 шахсга нисбатан 8479 та ишлар яраштирув муносабати билан судларга юборилди. Шу жумладан, 2003 йил 6 ойи давомида баданга шикаст етказиш, ўғирлик,

## ҚИСКА САТРАЛДАР

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари нефть маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида кенг қамровли тадбирлар олиб боришяпти. Натижада қатор қонунбузарликлар фош этилди.

Жиззах шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси ҳайдовчиси Ҳ. Суннат ўз бошқарувидаги автомашинада Жиззах нефть маҳсулотлари корхонасидан Зафаробод туманидаги "Хумо" ва "Ўзбекистон" хўжаликларига чиқарилган 2,5 тоннага яқин дизель ёнилғисини белгиланган манзилга олиб бормади. У ёнилғини Тошкент — Термиз йўли яқинида жойлашган "Ўзбекхон" фирмаси автомобилларга ёнилғи қуйиш шохбчасидаги цистернага бўшатаётганда ушланди.

Навбатдаги тезкор тадбирда Ш. Мелиқўзи бошқарувидаги "ЗИЛ — 130" русумли автомашина тўхтатиб текширилганда 200 литр ҳажмдаги идишларда 6 тонна солярка ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги аниқланди. Тезкор суриштирувлар давомида "тадбиркорлар" ушбу ёнилғини Улугбек хўжалигида яшовчи Н. Нишонбойдан ҳар бир литрини 85 сўмдан сотиб олганликлари маълум бўлди.

\*\*\*

Мирзачўл тумани Гагарин шаҳридаги автошоҳбечатда сирдарёлик А. Станислав ички ишлар ходимлари томонидан текшириб кўрилганда, унинг ёнидан 1,5 килограммга яқин героин топилди. У захри қотилни Қозоғистонга ўтказиб бериши лозим эди. Бундай жиноятлар чегара ҳудудда фош қилинаётгани ягона ҳолат эмас. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ички ишлар ходимлари томонидан 123 та гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланиши билан боғлиқ жинойтлар аниқланди. 15 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик моддалари далилий ашё сифатида олинди.

Баҳмал тумани Беккелди қишлоғида яшовчи К. Умиркулнинг томорқасида икки мингдан ортиқ кўкнор ўсимлиги етиштирилаётганлиги аниқланиб, йўқ қилинди. Уйининг чордоғидан эса 7 килограммга яқин кўкнор бошоғи олинди.

\*\*\*

Ноқонуний тадбиркорликнинг ҳадисини олган баъзи бир кимсалар контрабанда йўли билан чорва молларини қўшни давлатга олиб ўтишга уринмоқдалар. Қозоғистон Республикаси Сайрам туманида яшовчи Г. Каримжон Ғаллаорол туманидаги Гулчамбар бозорида 10 бош қорамол харид қилиб олди. Сўнгра Арнасой тумани "Қозоғистон" хўжалигидаги жойлашган мол бозордан яна саккиз бош қорамол ва 1 бош от сотиб олди. Жами 4,5 миллион сўмга харид қилинган чорва молларни Мирзачўл тумани худуди орқали айланма йўллар билан четга ҳайдаб кетаётганида ички ишлар ходимлари томонидан ушланди.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ.**

# UCHINCHI « Postga » gazetasing ilovasi

## TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

# TV OLAM

Тарих саҳифаларини varaқлаганда

Буюк жаҳонгир Искандар Зулқарнайн ўз қўшинлари билан осмонўпар Ҳимолай тоғларигача етиб келди, аммо ундан ошиб ўтмади. Орадан икки минг йиллар ўтиб, ўрта асрлар охиригача ҳам бир томондан баланд тоғлар, иккинчи томондан Тинч океан ўраб турган бу кенгликлар ташқи дунёдан узилиб қолган эди. Бу мамлакат на ислом ва на насроний динга эътиқод қилувчи мамлакатларга ўхшарди. Илк бор бу ерга етиб келган европаликлар уни Хитой деб аташди. Ушбу диёрда ҳамма нарса, жумладан одил судлов ва қамоқхоналар ҳам бошқача эди.

### КИЗИЛ

#### ЧИРОКЛИ «ХОВЛИ»

Жануби-Шарқий Осиёга биринчи бўлиб XVI аср бошларида португаллар кириб келишди. Улар Эски Дунёга илк бор хитойликлар ҳақида ишончли маълумотлар олиб боришди. Уша пайтлар Хитой мамлакатини Само ўғли дея улуғланган, илоҳийлаштирилган императорлар бошқарарди. Жойларда эса уларнинг ноиблари — мандаринлар ҳокимлик қилишарди. Вилоятлардаги ҳарбий, маъмурий ва суд ҳокимияти улар қўлида тўпланган эди. Суд ҳокимияти тўғрисида дастлабки хорижий саёҳатчилардан бири шундай ёзган эди: “Кўпчилик хитойликлар ҳатто адолатсиз қонунларни ҳам ҳурмат қилишди. Улар суддан, унинг вакилларида ўтдан қўрққандай қўрқишди. Чунки суд уларни бир зумда, ҳеч бир асосиз молдан ҳам, жонидан ҳам жудо қилиши мумкин”.

Одил судлов идоралари ва қамоқхоналар Қадимги Хитойда ёнма-ён жойлашган бўлиб, умумий девор билан ўралган бўларди. Ҳар икковига бир мансабдор шахс — ямин раҳбарлик қиларди.

Ямин биносининг эшиги қанчалик бақувват, чиройли, нақшинкор бўлса, бу муассаса бошлигининг шунчалик бойлигидан дарак берарди. Ҳар бир бино эшиги тепасига қизил чирок осиб қўйилган.

Мажмуанинг ўртасида бошлиқнинг қароргоҳи, хотини ва канизларининг хоналари жойлашган. Уларнинг ёнида иккинчи даражали амалдорларнинг хоналари, меҳмонхона, қабулхона, шунингдек ҳибсхона бўлган. Хизматкорлар ва қўриқчилар ён-атрофдаги биноларга жойлашишган.

Яминнинг қўриқчилари ва хизматкорлари одатда ўз хизма-



ти учун маош олишмаган. Шунга қарамай уларнинг лавозими жуда обрўли ва даромадли ҳисобланган. Гап шундаки, улар мижозлари, яъни судга иши тушганлардан манфаат кўришган. Содда қилиб айтганда, Хитой одил судлов тизими ходимлари қонунлаштирилган тамагирлик ва порахўрлик йўли билан пул ишлашган.

### НАКД ЭВАЗИГА АДОЛАТ

Яминнинг тутқунлари чуқур, бадбўй ўраларда ёки бамбукдан тўқилган қафасларда сақланишган. Уларга егулик, кўрпа-тўшак берилмаган. Маҳбуслар ўзларини ўзлари таъминлаши, улар ҳақида қариндошлари ғамхўрлик қилиши лозим деб ҳисобланган. Маҳбусларга олиб келинган егуликларнинг ҳам тузугини қамоқхона ходимлари ўзларига олиб қолишган. Тутқунларга эса фақат сарқит теккан, холос. Зиндонларда тез-тез юкумли касалликлар тарқалган, натижада маҳбусларнинг саноклиларигина судгача омон қолишган. Аммо улар баъзан тирик қолишганига афсус чекишарди.



Жиноятлар ва фуқаролик ишлари қуйидаги тахлитда кўриб чиқилган. Судья катта, қизил стол ортида ўтирган. Унинг олдида довод (сиёҳдон ва пат), ёғоч болғача ва ёғоч бўлақлари тўлдирилган идиш бўлган. Судья айбланувчини, даъвогарни ёки суд жараёнида қатнашаётган бошқа шахсларни кўрқитмоқчи бўлса, ёғоч болғачани зарб билан столга урарди.

Судьянинг икки томонида қўриқчилар — баланд бўйли бир неча эркак ўтирган. Улар айна пайтда жаллодлик вазифасини ҳам бажаришган. Шунинг учун қўлларидан бамбук таёқлари бўлган. Сўроқ қилинаётган шахсларни улар ёрдамида калтаклашган. Таёқнинг дастаги қорага, учи қизил рангга бўялган. Мабодо айбланувчини узоқ вақт калтаклашга тўғри келса, қон изларини билинтирмаслик учун шундай қилинган. Умуман, бундай калтак билан уриб одамни ўлдириб қўйиш ҳам ҳеч гап эмасди.

Мандарин, яъни судья қўриқчилар билан гаплашишни ўзига эп кўрмасди. У ишни кўриб чиққач, ёғоч бўлақларини ерга ташлаш воситасида кўрсатма берарди. Бу ҳукмни

англатарди. Ҳар битта ёғоч бўлақчаси бамбук таёғи билан айбдорни беш марта уришни билдирар эди. Ҳукм ўша заҳоти, суд залининг ўзида ижро этиларди.

Ана шу жазони ижро этиш жараёнида турма ходимларининг коррупцияга алоқадорлиги намён бўлган. Хитойда қамоқхонага тушганлар айблими-айбисизми барибир жазолангани учун ўзига тўқ, бой-



лар олдиндан ғамларини ейишган. Яъни амалдорлар, қўриқчилар ва хизматкорларга, пора беришган. Улар эса ўз навбатида олган пораларининг бир қисмини бошлиқларига, жумладан судьяга ҳам оширишган.

Жаллодлар қанчалик кўп пора олишган бўлса, айбланувчиларни шунчалик секин уришган. Бой “мижозлар” ўзларининг ўрнига калтак ейиш учун муайян тўлов эвазига камбағал, бечорахол кишиларни ёллашган. Буни қуйидаги тахлитда амалга оширишган: ҳукм чиқарилаётган пайт айбланувчи ўрнидан сакраб туриб қочиб қолган, унинг жойини эса ёлланма “айбланувчи” эгаллаган. Ҳамма ўзи-

ни гўё буни кўрмаганга олган, суд жараёни худди ҳеч нарса бўлмагандек давом этаверган.

### ҚАТЛ УСУЛЛАРИ

Пора беришга пули бўлмаганларнинг шўрига шўрва қайнаган. Бир неча ой бўйнига ёғоч “бўйинбоғ” тақиб қўйишга ҳукм этилганлар ўзларини бахтли санашарди. Бундай маҳкумларнинг бўйнига ярим ёй шаклида ўйилган иккита тахта тақилиб, болт билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бундай “бўйинбоғ”нинг оғирлиги 20 кило келарди. Жиноятчи ана шу “бўйинбоғ”да бозор майдонида тонг отгандан кун ботгунича тик оёқда турган. Тахталар шунчалик кенг бўлганки, маҳкум оғзига егулик олиб бориши учун худди акробатдек “маҳорат кўрсатган”. Хира пашшалар унинг юзини талаб ташлашган. Уларни ҳайдаш учун қўли етмаган. Тун янаям машаққатли кечган. Сассиқ, бадбўй камерада турли текинхўр ҳашаротлар ачиб-бижғиб ётишарди. “Бўйинбоғ” ётишга халал берарди. Маҳкум озгина ноҳўя ҳаракат қилса ҳам тахталарнинг дағал қирралари унинг бўйнига ботарди. Аммо бу азоблар ўлимга ҳукм қилинганлар чекадиган азоблар олдида ҳолва.

Олий жазони асосан икки усулда ижро этишган. Биринчисини “бочкага жойлаш” деб аташарди. Қўллари боғланган ҳолда маҳкумни катта бочкага жойлашган. Идишнинг қопқоғини бекитиб, туйнугидан ўлдирилмаган оҳак, устидан эса сув қуйишган. Аста-секин қайнаётган аралашма бечоранинг оёқларини куйдириб емирган. Бу оловда куйишдан бир неча чандон азоблироқ эди. Маҳкум то жон таслим қилгунича азоб-уқубат давом этаверган.

Қатл этишнинг иккинчи усули “бамбук қафаси” деб аталган. Қафас эҳром шаклида бўлган, тўртта йўғон, узунлиги одам бўйича келадиган бамбук ёғочларидан тайёрланган. Уларга кўндалангига ҳам ёғочлар ўрнатилган. Маҳкумни қафасга киритишгач, тепага фақат унинг бўйни сиғадиган тешиги бўлган тахта “бўйинбоғ” ўрнатилган. Айбдор ўзини ўзи бўғиб ўлдирмаслиги учун қўллари боғланган. Маҳкумнинг оёғи остига ёғоч гўлалари уюб қўйилган. Уларни олган сайин у шўрлик ўз бўйнидан осилиб қолаверган. Азобни чўзиш учун яна оёғи остига ёғоч гўлаларини қалашган, тагин олишган...

Инсоният цивилизациясининг ўчоқларидан бири бўлган Қадимги Хитойда бундай “одил судлов” ва жазолаш усуллари бир неча асрлар давом этган. Буни изоҳлаш учун нима ҳам дердик. Дунё пасту баланддан иборат, мураккаб. Бобокалонимиз Бобур мирзо айтганларидек, яхши бўлган жойда ёмон ҳам бўлади-да!

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

## Буюк кишилар ҳаётидан

**Бундан икки аср илгари буюк шахслардан бири – Наполеон тарих майдонига кириб келган эди. У оддий лейтенантдан император, буюк саркарда даражасигача етди. Наполеонга аскарлари садоқат билан хизмат қилишди, унинг ёш маршаллари жанг майдонларида ўзларининг ёрқин ҳарбий истеъдодларини намойиш этишди. Наполеон ҳаётида уч бора ҳибсга олинди. Аммо ҳеч қачон руҳан синмади. Қуйида ана шу ҳақда ҳикоя қиламиз.**

Наполеоннинг биринчи марта ҳибсга олинishi ва озод қилиниши билан боғлиқ тафсилотлар унинг таржимаи ҳолидаги энг сирли саҳифалар бўлса керак. Ёш Наполеон Бонапарт Буюк француз инқилобини қизгин қўллаб-қувватлаган эди. У якобинчилар клубига аъзо бўлиб кирди, инқилобий армия сафида туриб жанг қилди. Тулон қалъасини монархиячилардан озод қилишда мардлик намуналарини кўрсатди. Буни кўрган Максимилиан Робеспьернинг укаси Наполеонни генералликка тавсия этди. Аммо орадан ярим йил ўтиб ана шу юксак парвози ўлими билан якунланишига бир баҳя қолди.

1794 йилда Парижда аксиликчиликчи тўнтариш юз берди. Диктатура раҳбарлари, жумладан ака-ука Робеспьерларнинг калласи танасидан жудо қилинди. Францияда оммавий ҳибсга олишлар ва судсиз қатл этишлар авж олди. Робеспьерларга яқин бўлганликда гумон қилинганларнинг боши жоду (гильотина) га қўйилаверди. Наполеонни ҳам ҳибсга олишди. Уни соқчилар ҳамроҳлигида Ўрта ер денгизидаги Карре бандаргоҳига олиб келишди. Якобинчи ва кичик Робеспьернинг дўсти сифатида у қатл қилиниши лозим эди. Аммо қутилмаган воқеалар юз берди.

Наполеон ҳукми хотиржам кутади. Унга қочини таклиф қилишганда, рад этади. Турма бошлиғи Бонапарт билан дўстона муносабатда бўлади. Наполеон Конвентга ёзма равишда мурожаат қилиб, ўзига туҳмат қилинганини баён этади.

Шунда мўъжиза юз берди: орадан икки ҳафта ўтиб, уни озод этишди! Ҳалигача бунинг аниқ сабаблари топилгани йўқ. Тахминларга кўра у маслакдошларини сотган. Бунинг тасдиғи сифатида унинг Конвентга ёзган хатида шундай сатрлар бор: "Робеспьерлар фитнасини фош этиш чоғида ўзимни қондалар руҳига мос тутдим. Демак, мени ватанпарвар деб атамаслик қийин"...

Эҳтимол, у ҳеч қачон ҳеч кимни сотмагандир. Чунки Наполеон бутун ҳаёти давомида буни исботлади – инсонпарварлик мардлик, тантиликни қадрлади, ўзи



# НАПОЛЕОН БОНАПАРТ СУРГУНДА

ҳам шу фазилатларни намойиш этди. Италияга уюштирилган ҳарбий юриш уни шухрат чўққисига кўтарди.

## ДУНЁНИ ТИТРАТГАН ЮЗ КУН

1814 йилда Парижни иттифоқчилар қўшини ишғол этгач, Наполеон тахтдан воз кечишга мажбур бўлди. Унинг император унвонини сақлаб қолишди ва Эльба оролини торттиқ қилишди. Бу майдони 223 квадрат километр бўлган оролда ҳибсга сақлаш дегани эди.

Наполеон ўзининг сургун қилинишини ана шундай баҳолади. 13 апрелга ўтар кечаси тайёргарлик ишлари кетаётганда у ўз жонига қасд қилишга уринди. Император Россияга юриши даврида бир гал казакларга асир тушишига озгина қолган эди. Ўшандан буён ҳар эҳтимолга қарши ёнида олиб юрадиган заҳарни ичди. Аммо заҳар эскириб кучини йўқотган экан, шеклли, император бир неча соат қийналса ҳам, ўлмади қолди.

Унга ўзи билан уч генерал, бир неча хизматкор ва гвардиячилар батальони олишга рухсат берилди. Яқинларидан фақат онаси билан синглиси унга ҳамроҳ бўлишди. Наполеон хотинини интизорлик билан кутди, аммо у келмади. Императордан сургундалигида фақат поляк аёли Мария Валевскаягина

хабар олиб турди. У Бонапартни умрининг охиригача севди.

Наполеон Эльбада бир йилдан камроқ яшади. У оролни ободонлаштириш, иқтисодини ривожлантиришга катта эътибор берди. Айна пайтда Францияда юз бераётган воқеаларни диққат билан кузатиб борди.

1815 йил 26 февралда Наполеон дунёда энг буюк қочини амалга оширди. У унчалик катта бўлмаган кемага ўтириб Эльбани тарк этди. Уч кундан кейин Францияга етиб келди.



Губернатор Лоу

Бонапартни халқ ва армия тантана билан қарши олади. У битта ҳам ўқ узмасдан, бир томчи ҳам қон тўкмасдан Парижга кириб борди. Дунёни ларзага солган машҳур Юз кун бошланди. Европа ҳукмдорлари Наполеоннинг тинчлик сулҳи тузиш ҳақидаги таклифини рад этишди, уни ноқонуний ҳукмдор деб эълон қилишди. Ватерлоодаги жангда француз армияси узул-кесил тормор қилинди.

императорга кийим-кечак тикиш учун юборилган мовутларни ҳам бермасди. Губернатор Бонапартга содик, уни севувчи, хурмат қилувчи кишиларни ҳам аста-секин оролдан узоқлаштирди.


Наполеон барча қийинчиликларга чидади. У эрта турар, ёзаётган китоби устида ишлар, боғда меҳнат қиларди. Англия офицерлари унга ҳайрат ва хурмат билан муносабатда бўлишар, аскарлар эса гулдасталар қадим этишарди...

Аммо Наполеон учун бундай ҳаёт ўлимга тенг эди. У оиласини соғинарди, яқинларидан хат-хабар ололмас, ўзининг аҳволини ўлимга ҳукм қилинган кишининг аҳволи билан тенглаштирарди.

## «НАУТИЛУС»

### МАНЗИЛГА ЕТОЛМАДИ

Америкага қувғин қилинган француз офицерлари Наполеонни олиб қочиш режасини туза бошлади. Бонапартнинг укаси Жозеф эса Роберт Фултон компанияси билан сув ости кемаси яратиш бўйича шартлашиб олишди. Шу кема экипажи аъзолари императорни олиб қочишлари лозим эди. Аммо кема қурилиши бошланмасдан туриб Наполеон оламдан ўтди.



Авлиё Елена ороли

## АВЛИЁ ЕЛЕНА ОРОЛИДА

Мағлубиятдан сўнг Наполеон Авлиё Елена оролига бир умрга сургун қилинди. Унга ўзи билан уч офицер, икки котиб, шифокор ва ўн нафар хизматкор олиб кетишга рухсат берилди. Океанда икки ой йўл босиб улар манзилга етиб келишди. Орол ўртасидаги омонатгина қурилган ёғоч уйга жойлашишди. Орол иқлими ниҳоятда оғир бўлиб, тез-тез ёмғир ёғарди. Уй зах, каламушлар тикилиб ётарди.

Наполеон иккита хонани эгаллади. Бор-йўқ мебелли оддий стуллар, ҳарбийча каравот ва ёзув столдан иборат эди. Деворда хотини ва ўғлининг суратлари осиллиқ турарди.

У турмуш қийинчиликларига аскарлардек чидади. Унинг назоратчиси – губернатор Лоу ўз ваколатидан фойдаланиб Наполеон устидан турли йўллар билан қилишга ҳаракат қиларди. У Бонапартга юборилган хат-хабарлар ва китобларни вақтида бермас, Англия ҳукумати Наполеоннинг таъминоти учун ажратган маблағларни талон-торож қиларди. Ҳатто собик

1819 йилдан бошлаб уни бош оғриғи, кўнгил айнаши, эл увишиши ва йўтал безовта қила бошлади. Аввалига Наполеон бу наслий касаллиги – саратон суяк сурган деб ўйлади. Кейинроқ эса инглизлар заҳарлаётганидан шубҳаланди. XX аср олимлари унинг дўстларига ҳада қилган медальонда сақланган соч толасини текшириб кўриб, таркибида ҳақиқатан ҳам маргимуш моддаси борлигини аниқлашди.

Наполеон 1821 йил 5 май куни соат 19.49 да вафот этди. Уни севимли жойига – булоқ бўйидаги гулзорга дафн қилишди. Қабр тошига "Наполеон Бонапарт" деб ёзиш керакми ёки императорларга хос "Наполеон" дебми – шу масалани ҳал қила олишмади. Охири ҳеч нима ёзишмади. Губернаторнинг буйруғига кўра қабр бошига соқчи қўйилди.

Наполеон Францияга орадан 19 йил ўтиб "қайтди". Унинг хоқини иззат-икром билан Парижга олиб келиб, дафн этишди. Ўз императорини қарши олгани бутун Париж аҳли кўчага чиқди.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.



Бонапарт камерода.

ДУШАНБА

28

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.45 "Тахлилнома". 8.45 "Камалак". Болалар учун кинодастур. 9.30 "Санъатга бахшида умр". 9.50 "Баходирлар бўтқаси". Мультфильм. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР. 10.05 "Букри кит ҳақида ҳақиқат". Хужжатли фильм. 10.55 ТВ клип. 11.05 Ўзбек халқ эртаги асосида. "Ёрилтош". Видеофильм. 11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти. 12.05 "Кўрсатувдан кўрсатувгача". 12.25 "Чорраҳа". Ёғи таътил кунларида. "Болалар сайёраси". 12.45 "Куроқ". Видеофильм. 13.40 "Бир кулишайлик". 14.10 Кундузги сеанс: "Филлип Марлоу". Теле-сериял. 15.00 ТВ анонс. 15.05 "Яхшилик". 15.35 Мусикий танаффус. 15.50 "Адабий жараён". 16.10 "Камила". Телесериал. 16.40 "Бир актёр театри". 17.05 "Покахонтас". Мультсериял. 17.55 ТВ маркет. 18.10 "Ўзбектелефильм" намоиши: "Тошкент Давлат Техника Университети". Премьера. 18.30 "Аждодлар мероси". 19.05 "Муқдор". 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР. 19.30 "Ахборот" (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 "Ахборот". 21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. "Кўпчилик қаторида". 21.25 "Ўзбекистон" телеканалида илк маротаба: "Камила". Телесериал. 21.55 "Ифтихор". 22.15 ТВ клип. 22.25 "Тарих кўзгуси". 22.45 ТВ клип. 22.55 "Япония турмуш тарзи". Хужжатли телесериал премьераси. 23.15 "Ахборот-дайжест". 23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ - II

18.30 Кўрсатувлар дастури. 18.35 "Янги авлод" почтаси. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ - анонс. 19.40 Минг бир ривоят. 19.45 "Меҳр кўзда". Мактубларга шарҳ. 20.05 Мусикий лаҳзалар. 20.15 Ёшлар овози. 20.35 Сув - ҳаёт манбаи. 20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар. 20.45 "Гвадалупе". Телесериал. 21.30 Кишлокдаги тенгдошим. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол. 23.35-23.40 Хайрли тун.

ЎзТВ - III

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал. "Жизв ва Вустер". 18.05, 20.55 "Экспресс" телегазетаси. 18.10 Болажонлар экранни. 18.30, 20.00, 21.20, 22.00

ЎзТВ - IV

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 "Вести-спорт". 16.20 "Хаёллар ороли". Сериал. 17.05 "Евроњьюс" янгиликлари. БИРИНЧИ КАНАЛ. 17.20 "Хазил кетидан хазил". Хажвий кўрсатув. 17.55 "Ниро Вульф ва Арчи Гудвин". Сериал. 19.00 "Ишонч ва муҳаббат замини". Сериал. 20.00 "Время".

ЎзТВ - V

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 "Вести-спорт". 16.20 "Хаёллар ороли". Сериал. 17.05 "Евроњьюс" янгиликлари. БИРИНЧИ КАНАЛ. 17.20 "Хазил кетидан хазил". Хажвий кўрсатув. 17.55 "Ниро Вульф ва Арчи Гудвин". Сериал. 19.00 "Ишонч ва муҳаббат замини". Сериал. 20.00 "Время".

ЎзТВ - VI

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 "Вести-спорт". 16.20 "Хаёллар ороли". Сериал. 17.05 "Евроњьюс" янгиликлари. БИРИНЧИ КАНАЛ. 17.20 "Хазил кетидан хазил". Хажвий кўрсатув. 17.55 "Ниро Вульф ва Арчи Гудвин". Сериал. 19.00 "Ишонч ва муҳаббат замини". Сериал. 20.00 "Время".

ЎзТВ - VII

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 "Вести-спорт". 16.20 "Хаёллар ороли". Сериал. 17.05 "Евроњьюс" янгиликлари. БИРИНЧИ КАНАЛ. 17.20 "Хазил кетидан хазил". Хажвий кўрсатув. 17.55 "Ниро Вульф ва Арчи Гудвин". Сериал. 19.00 "Ишонч ва муҳаббат замини". Сериал. 20.00 "Время".

ЎзТВ - VIII

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 "Вести-спорт". 16.20 "Хаёллар ороли". Сериал. 17.05 "Евроњьюс" янгиликлари. БИРИНЧИ КАНАЛ. 17.20 "Хазил кетидан хазил". Хажвий кўрсатув. 17.55 "Ниро Вульф ва Арчи Гудвин". Сериал. 19.00 "Ишонч ва муҳаббат замини". Сериал. 20.00 "Время".

ЎзТВ - IX

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 "Вести-спорт". 16.20 "Хаёллар ороли". Сериал. 17.05 "Евроњьюс" янгиликлари. БИРИНЧИ КАНАЛ. 17.20 "Хазил кетидан хазил". Хажвий кўрсатув. 17.55 "Ниро Вульф ва Арчи Гудвин". Сериал. 19.00 "Ишонч ва муҳаббат замини". Сериал. 20.00 "Время".

"Пойтахт". Ахборот дастури. 18.50 "Халқ саломатлиги йўлида". 19.15 "ТТВда сериал. "Айрилик азоби". 20.25 "Табриклаймиз-кутлаймиз". 21.00 ТТВда сериал. "Қайсар ва довораклар". 21.40 "Хусусийлаштириш: қадам бақадам". 22.25 "Аvto-news". 22.40 "Кнонигох, "Истеъдодли жаноб Рипли". 00.40-00.45 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ - IV

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 - 8.00.

ЎзТВ - V

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 "Вести". 16.20 Велопойга "Тур де Франс". 16.25 "Евроњьюс" янгиликлари. 16.40 "Хаёллар ороли". Сериал. БИРИНЧИ КАНАЛ. 17.20 "Биз анойи эмасмиз". Хажвий кўрсатув. 17.55 "Ниро Вульф ва Арчи Гудвин". Сериал. 19.00 "Ишонч ва муҳаббат замини". Сериал. 20.00 "Время".

ЎзТВ - VI

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 "Вести". 16.20 Велопойга "Тур де Франс". 16.25 "Евроњьюс" янгиликлари. 16.40 "Хаёллар ороли". Сериал. БИРИНЧИ КАНАЛ. 17.20 "Биз анойи эмасмиз". Хажвий кўрсатув. 17.55 "Ниро Вульф ва Арчи Гудвин". Сериал. 19.00 "Ишонч ва муҳаббат замини". Сериал. 20.00 "Время".

ЎзТВ - VII

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 "Вести". 16.20 Велопойга "Тур де Франс". 16.25 "Евроњьюс" янгиликлари. 16.40 "Хаёллар ороли". Сериал. БИРИНЧИ КАНАЛ. 17.20 "Биз анойи эмасмиз". Хажвий кўрсатув. 17.55 "Ниро Вульф ва Арчи Гудвин". Сериал. 19.00 "Ишонч ва муҳаббат замини". Сериал. 20.00 "Время".

ЎзТВ - VIII

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 "Вести". 16.20 Велопойга "Тур де Франс". 16.25 "Евроњьюс" янгиликлари. 16.40 "Хаёллар ороли". Сериал. БИРИНЧИ КАНАЛ. 17.20 "Биз анойи эмасмиз". Хажвий кўрсатув. 17.55 "Ниро Вульф ва Арчи Гудвин". Сериал. 19.00 "Ишонч ва муҳаббат замини". Сериал. 20.00 "Время".

ЎзТВ - IX

**Ҳамшира хонадаги сув қайнатгични идишга солди-да, токка улади. Шу пайт шифокорлардан бири уни чақириб, топшириқ берди. Юмушлар билан банд бўлган ҳамширанинг қўйган чойи бутунлай ёдидан чиқиб кетди. Натижада сув қайнаб-қайнаб тугади. Қуруқда қолган қайнатгич дарз кетди ва олов пуркай бошлади. Хона бир зумда аччиқ тутунга тўлди. Қўшни хонадагилар ёнгинни ўз вақтида пайқаб қолишди. Яхшиямки, ўт ўчирувчилар зудлик билан етиб келиб, ёнгинни даф қилишди. Бўлмаса...**

Мазкур воқеа пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 36-оилавий шифохонада содир бўлган. Шундан сўнг туман ЁХБ назоратчилари поликлиника маъмурияти олдига кескин талаблар қўйишди. Бирламчи ўт ўчириш анжомлари келтирилиб, ҳар бир қаватга ёнгин хавфсизлигига масъул шахслар бириктирилди. Барча ходимларга йўриқномалар берилди.

— Ўша кўнгилсизлик бизга сабоқ бўлди, — дейди бош шифокорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Венера Аҳмедова. — Туман ёнгин хавфсизлиги назоратчилари тез-тез келиб суҳбатлар ўтказишяпти. Махсус плакатлар ҳамда мурожаатларни қўринадиган жойга осиб қўйганмиз. Аммо анчадан буён бизни бир муаммо қийнаб келмоқда. Яъни, бино 3 қаватли, хоналаримиз ҳам кўп. Бир пайтлар ўрнатилган ташвиш сигналлари умуман ишламайди. Юқори ташкилотларга бу ҳақда маълум қилсак-да, ханузгача ижобий ҳал қилинган йўқ.

Ўтган йилнинг 6 оyi давомида туман ҳудудига 111 та ёнгин содир бўлган бўлса, 2003 йилнинг шу даврида 99 та қайд этилди.

— Ёнгин хавфсизлигига оид мурожаатнома ва эсдаликлар тайёрлаб, тарқатилди, — дейди туман ИИБ ЁХБ бошлиғи, ички хизмат майори Низом Ходжаев. — Шунингдек, республика ва шаҳар радиоси, газеталар орқали чиқишлар қилдик. Мутахассисларимиз иштирокида аҳоли билан бевосита учрашув, суҳбатлар уюштирилди. Унда ёнгинни ўчириш бўйича кўргазмалар ҳаракатлар намойиш этилди. Маълумки, ёнгин чиқишига кўпинча болалар сабабчи бўладилар. Шунинг учун улар ўртасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу борада боғча ва мактабларда 10 соатлик ёнгин хавфсизлиги дарслари ҳам ўтилмоқда.

Амалдаги йилнинг ўтган даврида туман бўйича 606 нафар жавобгар шахсга қарийб 2 млн. сўмлик жарима солинди. Қоида-

этилди. Уларни ўчириш учун қанчадан-қанча маблағ, меҳнат сарф бўлишини тушуниб етиш керак.

Жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан яқиндан танишиш мақсадида бўлим кичик инспектори, ички хизмат прапоршчиги Любовь Ломовская ҳамроҳлигида "Марказ-5" мавзесида жойлашган "Биринчи қалдирғоч" уй-жой мулкдорлари ширкатига бўлди. Ширкат раиси Михаил Сладчиковдан: "Ёнгин хавфсизлиги бўйича нима ишлар

де", дея изоҳлади. Худди ўша уйнинг ертўласига ширкат чилангарлари, пайвандчилари жойлаштирилган экан. Уларнинг олдига кирганимизда 35-40 ёшдаги киши мудраб ўтирарди. Қўшни ширкатда ишловчи шахс "ҳамкасб"ларини кутаётганлигини билдирди. Атрофни кузатарканмиз бир четда сув қайнатгич, қўлбола иситиш мосламаси, овқат пишириладиган қозон-товоқлар турарди. Боз устига, электр симлари ҳам яроқсиз

чирдик. Ўт ўчириш воситалари рисоладагидек. Эслатма ва чақириқлар илиб қўйилган. Бу ерда ҳам ёнгиндан огоҳ этувчи мослама умуман ишламайди. Юқори ташкилотлар бу масалага панжа орасидан қараб келаяётганлигини қандай тушуниш мумкин?

"Турон-коммуналчи" уй-жой мулкдорлари ширкати тасарруфида 19 та кўп қаватли уй қиради. Бош муҳандис Мухтор Мамадиёров ёнгин хавфсизлигига оид на бирор ҳужжат, на бирор йўриқнома кўрсата олди. Энг ачинарлиси, идоранинг ўзида мавжуд бўлган ўт ўчириш анжомлари хўжақўрсинга қўйилган экан. Учта бўм-бўш ўт ўчириш мосламасидан бошқа ҳеч вақо йўқ. Ширкат тасарруфидаги уйларнинг мўриларини тозалаш учун тегишли ташкилотлар билан шартнома тузилмаган. Бу эса кўпчиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Кўчалардаги аҳвол бундан-да баттар. Манзарали дарахтларга эътибор берилмагани боис ўсиб, электр симлари-га чирмашиб кетган.

— Шамолда дарахтлар синиб, симларни узиб ташляпти, — дейди куюнчи "Турон" маҳалла фуқаролар йиғини котиби Ойсара Абдуллаева. — Бир неча бор табиатни муҳофаза қилиш идорасига, электр тармоқлари корхонасига мурожаат қилдик. Лекин ханузгача улар дарахтларни тартибга солишмаяпти.

Бир сўз билан айтганда, туман ёнгин хавфсизлиги назоратчилари жойларда қоидаларга амал қилишини кенгроқ қамраб олишмаяпти. Негаки, корхона ва ташкилотларга бажариш учун берилган кўрсатмалар назоратсиз қолдириляпти. Берилмаётган йўриқномалар ҳам шунчаки расмиётчилик, маълумот учун бўлиб қолмоқда. Назоратчининг талаби қатъий бўлса, ҳар бир масъул шахс уни бажаришга мажбур бўлади. Фуқароларимиз ёнгиннинг олдини олиш барчанинг бурчи эканлигини тўлиқ тушуниб етмагунларича тизим мутахассислари тиним билмай фаолият кўрсатишлари лозим. Ана шундагина ёнгинларнинг олдини олиш ёхуд камайишига эришамиз.

**К.ШОКИРОВ.**

*Суратдаги аянчли ҳолат тушиб қолган "Тико" автомашинаси Юнусовд тумани 9-мавзёда яшовчи фуқаро К. З. га тегишли. Унинг бепарволиги, яъни сигарет қолдиғини гараж ичида бўлган улосга ташлаб кетганлиги оқибатида ички қопламаси, ўриндиқлари ва мотор қисми ёниб кетган.*

## ҚОҒОЗДА ЭМАС, АМАЛДА БЎЛСА...

ларга зид равишда фаолият кўрсатётган 309 та корхона вақтинча тўхтатилди. Содир бўлган ёнгинлар таҳлил қилинганда, аксарият ҳолларда фуқароларнинг бепарволиги, лоқайдликлари оқибатида келиб чиқаётганлиги кўришимиз мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кўнгилсизликларнинг олдини олиш биргина ўт ўчирувчиларнинг зиммасида эмас. Балки бунга барча эътиборли, масъулиятли бўлгандагина унинг олди олиниши мумкин.

Туман ИИБ ЁХБ назоратчиларининг саъй-ҳаракатлари ўзининг ижобий натижаларини беришига умидвормиз. Лекин ҳамма жойда кўзланган мақсадга эришиляптими? Афсуски йўқ. Чунки, Юнусовд тумани ЁХБ томонидан берилган маълумотларга кўра, биргина "Турон" маҳалласидаги турар жойларда олти ой мобайнида 5 марта ёнгин содир бўлган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баравардан ҳам кўп демасдир. Нобуд бўлганлар ҳам кўпайган.

— Баъзи бир мутасаддилар кўрсатмаларимизга бепарволик билан қарашмоқда, — дейди туман ИИБ ЁХБ бошлиғи, ички хизмат подполковниги Зойирхўжа Азимов. — Айниқса, фуқароларимиз қоидаларга амал қилишмаяпти. Мисол учун, очик майдонлардаги қуриган ўт ва хазонларни ёқиб кетиш ҳолатлари 56 марта қайд

қилинганми? — деб сўраганимизда, "Ҳозир қишга тайёргарлик кўряпмиз, ёнгин хавфсизлиги қоидалари билан шуғулланишга вақтимиз ҳам, маблағимиз ҳам йўқ", деб жавоб қайтарди. Маълум бўлдики, назоратчи март ойида бу ерда бўлиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзаси-



дан кўрсатма берган экан. Аммо улар ўша кўрсатмани ҳам топиб бериша олмади. Аҳолининг кўзига кўринадиган жойга осиб қўйилиши лозим бўлган эслатма ва плакатлар бир четда букланиб, чангга қоришиб ётибди. Бирламчи ўт ўчириш анжومي эса ханузгача сотиб олинмаган.

Шундан сўнг ширкат вакили билан уйларни кўздан кечириётганимизда 77-уйнинг биқинида кесиб уюб қўйилган шох-шаббаларни кўрдик. Буни ҳамроҳимиз "буржуртма берганмиз, олиб кетиша-

ҳолатда эди. "Хохласанлар олиб қўйинлар" деди қаёқдандир етиб келган пайвандчи Садриддин Ибрагимов. — Биз буларни ишлатмаймиз".

Кейинги йўлакка кираверишда, зинанинг остига ўтин, тахта каби тез ёнувчи материаллар тахлаб қўйилганди. Улар 6-хонадонда истиқомат қилувчи С.Каримовага тегишли экан. У киши бетоаб, турмуш ўртоғи ҳам касалхонада. Назоратчи яна бир бор ўтинларни олдириб ташлаш лозимлигини айтди. Шу ўринда савол тугилади. Хонадон соҳибларининг имкони ростдан ҳам йўқдир. Лекин қўни-қўшни, уй фаоллари, қолаверса, ширкат вакиллари ёрдам қўлини чўзишса бўларди-ку. Худо кўрсатмасин, ўйинқароқ болалар гугурт ёқиб ёки сигарет қолдиғини ташлаб кетишса, бошқалар ҳам зиён кўради-ку. Ахир "фалокат оёқ остида" деб бежизга айтилмаган.

Назоратчи билан худудда жойлашган туман халқ таълими бўлимига қарашли 414-болалар боғча-ясилсида бўлди.

— Боғча мудрири йиғилишга кетган, — деди ўзини Тамара Мирбобоева деб таништирган аёл. Муддаомизни айтиб, бинони кўздан ке-

## Маърифат дарси

## МУСТАҚИЛ ТАФАККУР ЗАРУРАТИ

Ижтимоий ҳаётда мафкуранинг ўрни ва аҳамияти катта. Халқни, оммани, фуқароларни жамият тараққиёти сари йўналтириш, уларнинг маънавияти, маданиятини юксалтириш каби муҳим ишлар мафкура орқали амалга оширилади. Бирок, уни ҳукмрон синф ёки жамият манфаати йўлига бўйсундириб, тизгинлаб олишнинг оқибати халқ маънавиятининг ҳар томонлама юксалиши, ижтимоий ҳаётнинг ҳақиқий кўринишини тушуниб, англаб етишига тўсқинлик қилади.

Буни етмиш йилдан ортқ ҳукмронлик қилган шўро тузумининг мафкурасидан билса бўлади. Халқни итоатда сақлаш, уни "дохийлар" йўлидан бориб инсоният орзу қилган "коммунистик жамият" қуриш сари қурашга чорлаш учун хизмат қилган мафкура ва уни бошқариб турганларнинг асл башараси шўро тузumi чоқоқидан сўкилиб, тўзиб кет-

гандан кейин намоён бўлди. Коммунистик мафкура ўтмишни, қадимий бой маънавиятни халқдан яшириб, фақат шўро тузумига хос томонларинигина "силлиқлаб" кўрсатиб, қолганига қора чаплаш билан аждодлар меросидан маҳрум қилиш, миллатларнинг ўзлигини нуқтириб, манкуртларча яшашга ўргатишни асосий мақсад қилиб олганди. Чунки ўтмишни яхши билмаган кишини ҳар қандай йўлга солиш мумкин бўлади.

Мустақилликка эришилгандан кейин ҳақиқат қарор топди. Биз қадим-қадимлардан халқимизнинг муносиб фарзандлари, буюк боболаримиз томонидан яратилиб, авлодларга қолдирилган,

бой маънавий мерослар билан танишиш, ўқиб ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш бахтига муяссар бўлди.

Эски мафкуранинг қолдиқлари халқимиз онгида сақланиб қолмаслиги учун уларнинг тафаккурини янги қадриятлар сари йўналтириш керак бўлади. Халқимизнинг бой маънавий меросини холис ўрганиш, қадрлаш, кенг тарғиб этиш мамлакатимизда бошланган маънавий ислохотнинг деб бочаси бўлди. Шўро тузumi даврида номлари тилга олинмайдиган, аниқроғи, айтиш ман этилган алломаларимизнинг муборак китоблари нашр этилиб, халқимиз қўлига етиб борди. Асрлар бўйи ота-бобо-

ларимиз эътиқод қилиб келган ислом динига муносабат тубдан ўзгарди.

Кишилар тафаккурини бир андозага солиб бўлмади. Чунки атроф-муҳитга ҳар ким ўз билгича қарайди, мушоҳада юритади. Миллий мустақиллик мафкураси маънавиятимизнинг асосига, халқ тафаккурига таянади. Мустақил ва ижодий тафаккур билан Ватан, эл келажагига ишонч билан ҳалол, самимий, оқилона фаоллик кўрсатишимиз керак. Даврлар синовидан ўтган, аждодларимиздан мерос бўлиб қолган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, замон талаби асосида мустақиллик руҳи билан бойитиб боришимиз

лозим. Жаҳон цивилизациясига ўзининг ақл-заковати ва тафаккури билан катта ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг руҳини шод этиб, халқимизнинг асрлар бўйи давом этган урф-одатлари, энг яхши аъёналарини қайта тиклаш билан эзгу мақсадларга эришимиз мумкин.

Маълумки мустақиллигимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий жиҳатлари мавжуд. Давлат тузумини, жамият ҳаётини демократлаштириш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш билан бирга маънавиятга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Чунки маънавий мустақиллик бўлмаса, миллатнинг келажаги бўлмайди. Келажаксиз миллат йўқолиб боради.

Мамлакатимизда давом этаётган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг моҳиятини фуқаролар онгига сингдириб боришимиз зарур. Токи улар бу ҳаракатларнинг аввало халқ манфа-

ати учун зарурлигини англаб етишсин. Мулкчиликнинг турли шакллари ривожланмоқда, эркин бозор иқтисодиётига ўтиляпти, яқка партиявийлик ва ягона мафкура ҳукмронлигига барҳам берилди.

Кишиларнинг мустақил фикрлаши ўзларига бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Мустақил фикрлаш учун эса тафаккурни бойитиб бориш зарур. Теварак-атрофга холис, танқидий назар ташлаб, оқдан қорани, яхшидан ёмонни ажрата билиш керак. Жўнроқ қилиб айтганда бўлса, маънавиятимизни бойитиб боришимиз лозим. Ижтимоий ҳаётда ҳар ким ўз гоёси ва дунёқарashi билан иштирок этишга ҳақли. Зеро, Бош Қомусимизда шундай деб ёзилган: "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас".

Миллат ва чегара билмас офат

## УНГА 3000 АҚШ ДОЛЛАРИ ВАЪДА ҚИЛИШГАН ЭКАН...

**Москва марказида яна бир аёл портлаш содир этишга уринган чоғида қўлга олинди. У 22 ёшли чеченистонлик Зарема Мужихоева бўлиб чиқди. Зареманинг эри жангарилардан бўлиб, Ингушетияда йўловчилар ташийдиган автобусга чиққанида милиция ходимлари қўлга олмоқчи бўлишади. У қаршилик кўрсатиб, ўзини граната ёрдамида портлатиб юборади.**

Зарема Мужихоева Россия Федераль хавфсизлик хизмати тергов хибсхонасида кўргазмалар берапти. Москва шаҳар прокуратураси ходимларининг сўзларига қараганда, у Тушинода содир этилган портлашлардан хабари йўқлигини такрор-такрор таъкидлаётган экан. Террорчи аёлнинг айтишича, Москвада "шаҳид"ликка ёлловчи пункт фаолият кўрсатаркан.

Мужихоеванинг ўзи эътиқоди туфайли эмас, пул учун портлаш содир этмоқчи бўлган. У режасини амалга ошириб тирик қолса, 3 минг АҚШ долларига эга бўларди. Зареманинг Чеченистондаги қариндошлариникига борган "Комсомольская правда" мухбирлари сўраб-су-

риштириш чоғида аёл анча енгилтак бўлган, деган хулосага келишган... Унинг буваси Ҳамзат ва жияни саволларга хаспўшлаб жавоб беришга ҳаракат қилишди. Фақат Ҳамзатнинг амакиваччаси бўлган бошқа бир қария туталди, газета мухбирига террорчи қариндошининг хулқ-атвори ҳақида ҳамма билганларини очик-ойдин гапирди:

— У катталарга қулоқ солмасди. Буваси билан бувисини писанд қилмасди. Уйда камдан-кам кўрардим. Ким билади, қаёқларда санғиб юрарди. Охириги бир йил ичида беш-олти марта уйда тунагандир. Мана шу ҳақда ёз! — деди.



## ЖАННАТ САРИ ҚОНЛИ ЙЎЛ

"Шаҳидлар"нинг кўпоровчилик ҳаракатлари ваҳҳобийлар уламолари (диний олимлари)нинг кашфиётидир. Чунки қаерда ваҳҳобийчилик ёйиладиган бўлса, кўп ўтмай ўша ерда "шаҳидлар" ҳаракати бошланганди. Кўпчилик чеченлар фаластинликлардан ўрнак олишганди, деб ўйлашса керак. Аммо куйидаги маълумотга эътибор беринг: Чеченистоннинг ҳозирги Шариат кўмитаси раҳбари Абу Умар (Муҳаммад бин Абдуллоҳ ас Сайф)нинг ўзларини қурбон қилувчи террорчилар ҳақидаги фатвоси Фаластин ҲАМАС ташкилоти ҳарбийлашган қанотининг биринчи сайтида жойлашган. 2001 йил 11 сентябрда АҚШда террорчилик содир этган шахслар ҳам айнан ваҳҳобий уламолар томонидан бу ишга "илҳомлантирилган".

Хаттобининг қариндошлари у доимо Саудия Арабистонидаги ваҳҳобий уламолар билан алоқада бўлганини, улардан маслаҳат, йўл-йўриқ сўраганини тасдиқлашди. Чеченистонда содир этилаётган портлашларни фақат чеченларнинг "ўз юрти мустақиллиги учун кураш" билан изоҳлаш қийин. "Шаҳидлар карвони" сайтида уламолар бу ҳаракатни Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифдан узиб-юлиб келтирилган иборалар билан асосламоқчи бўладилар.

"Шаҳидчилик"ни Чеченистонда 2000 йил июнида чеченлар эмас, ваҳҳобийликни қабул қилган икки рус аскарлари (асир) Жаброил (асл исми Дмитрий) Сергеев ва Абдурахмон (асл исми Александр) Алексеевлар бошлаб беришган эди.

## «ШАҲИДЛАР»НИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАШ МУМКИН?

Нега Россияда экстремистларга нисбатан либерал муносабатда бўлишди? Нега шу пайтгача уларга қарши қатъий чораларни кўзда тутувчи қонун қабул қилинмади? Масалан, 1996 йили Туркияда чеченлар бортида рус сайёҳлари бўлган "Аврасия" теплоходини эгаллаган эдилар. Уни озод қилиш операцияси бир неча кун давом этди. Туркия махсус хизматлари ол-

дийгина йўл тутишди — жангариларнинг қариндошларини қўлга олишди. Мақсад уларни гаровга олинганларга алмашиш эди. Бундан хабар топган террорчилар дарҳол ҳокимият вакилларига таслим бўлишди.

Ёки Исроилни олайлик. У ерда террорчилик гуруҳлари фаолият кўрсатадиган ҳудудларга аниқ йўналтирилган зарбалар берилди. Баъзан бутун

"Шаҳидчилик" бу ваҳҳобий уламолар ва амирлар ўз мақсадлари йўлида мусулмонларнинг диний эътиқодларидан фойдаланишидир. Улар "шаҳидлар"га жаннат ваъда қилишади. Аммо ўз жонига қасд этган, бошқаларга суиқасд қилган (яъни икки ўта оғир жиноят содир этган) мусулмон банди тўғри дўзахга равона бўлишини яширишади.

"Ваҳҳобий уламолар ва амирлар нега дунёнинг турли бурчакларида "шаҳидчилик" уруғини сочишганди?" деган ҳақли савол тўғрилади. Жавоб жуда оддий: улар ислом оламида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш, дунёни ўзларининг ақидалари асосида қайта қуришни хошлашади. Бу йўлда улар бошқа тариқатдаги мусулмонларни ҳам ўлдирдишганди. Саудия Арабистонида шу йил 12 майда содир этилган террорчилик ҳаракати бунга мисолдир.

**Александр ИГНАТЕНКО,**  
фалсафа фанлари доктори.



бошли мавзелар ҳам йўқ қилиб юборилади. Бундан ташқари террорчиларнинг қариндошлари ҳам жавобгарликка тортиладилар. "АиФ"нинг Исроилдаги мухбири Алиса Агранатнинг ҳикоя қилишича, улар нафақа пулларидан, уй-жойларидан маҳрум қилинишлари мумкин. Бундан ташқари Исроил

ҳукумати бундай оилаларнинг банкдаги ҳисоб рақамларини ёпиб қўяр экан, токи улар қурбон бўлган ("шаҳид") қариндошлари учун 10-15 минг АҚШ доллари миқдоридида тўлов пулини ололмасинлар.

**Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.**

## ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2003 йил 15 июнь куни Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани "Ёрқиншоқ" ширкатлар уюшмасининг 9-бригадаси даласидан оқиб ўтувчи ариқдан Осийё миллатига мансуб, 20-30 ёшлардаги эркак кишининг бўғиб ўлдирилган аломатлари билан яланғоч ҳолдаги жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 170 см, юзи чўзиқроқ, ўртача гавдали, сочи қора.

**Алоҳида белгилари:** чап думбасида ва чап сонининг чов қисмида жароҳликдан қолган чандиқ, чап қўли елка қисмида A (II) Rh+ кўринишда татуировка бор.

Юқорида зикр этилган шахсларни таниган ёки билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

2003 йил 1 январь куни Тошкент — Хўжакент темир йўли йўналишининг Оққовоқ бекати яқинида 20-25 ёшлардаги йигит эҳтиётсизлик қилиб, ўтиб бораётган поезд тагига тушиб қолган.

**Белгилари:** бўйи 165 см, қомати келишган, юзи чўзиқроқ, сочи, кўзи, қоши қора, қоши ёйсимон, қалин, кўзи қисик, қиррабурун, юқори лаби дўрдоқ.

**Кийимлари:** бошида оқ-қора тўртбурчакли шапка, эгнида қора спорт костюми, қора шим, жун свитер, оёғида калиш бўлган.

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Миробод тумани ИИБ томонидан куйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.

**Евгений Султонович АХМЕДЖАНОВ.** 1923 йилда туғилган. Миробод тумани Чамбил кўчаси 4-берк кўча, 5- уйда яшаган. 1999 йил 19 август куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 170 см, юзи чўзиқроқ, сочи қора, қоши қалин, кўзи қора, лаби қалин.

**Кийимлари:** эгнида оқ кўйлак, қора шим, оёғида қора туфли бўлган.

\*\*\*

**Георгий Авивович ЦАРЕВ.** 1939 йилда туғилган. Миробод тумани Иноқобод кўчаси 69-уй, 6-хонадонда яшаган. 2001 йил 10 декабрь куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 165 см, юзи чўзиқроқ, сочи қора, қоши сийрак, лаби ингичка.

**Кийимлари:** бошида тўқилган жун қалпоқ, қора камзул, шим, оёғида жигарранг ботинка бўлган.

\*\*\*

**Юлиана Вадимовна НИКИШИНА.** 1971 йилда туғилган. Акмал Икромов тумани Чилонзор даҳаси 14 мавзе 24-уй 66-хонадонда яшаган. 1998 йил август ойида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 168 см, юзи чўзиқроқ, сочи қора, тўлқинсимон, лаби қалин.

**Кийимлари:** эгнида ёзлик кийимлар, оёғида оқ шиппак бўлган.

\*\*\*

**Прокофья Кузьминична ГАЕВСКАЯ.** 1912 йилда туғилган. Миробод тумани Александров кўчасида яшаган. 1998 йил 2 сентябрь куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-162 см, юзи чўзиқроқ, сочи оқ оралаган, қоши ёйсимон, лаби ингичка, кўзлари кўкимтир.

**Кийимлари:** эгнида тўқ кўк рангли кўйлак, оёғида қора шиппак бўлган.

\*\*\*

**Юрий Викторович РОМАНОВ.** 1941 йилда туғилган. Миробод тумани Мовароуннахр кўчаси 24-уй 22- хонадонда яшаган. 1998 йил 29 октябрь куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 170 см, юзи чўзиқроқ, сочи оқ оралаган, кўзи қора, қоши ёйсимон, лаби ингичка.

**Кийимлари:** эгнида тўқ кўк рангли камзул, кулранг шим, жигарранг жемпер, оёғида қора туфли бўлган.

\*\*\*

**Александр Михайлович БУТКЕЕВ.** 1940 йилда туғилган. Миробод тумани Астрахан кўчаси 38- уйда яшаган. 2000 йил 21 июлда уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 168 см, юзи чўзиқроқ, сочи оқ оралаган, лаби ингичка, қулоғи ёпишган.

**Кийимлари:** эгнида оч кўк рангли кўйлак, шим, оёғида қора туфли бўлган.

\*\*\*

Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига ёхуд Миробод тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

Самарқанд вилояти ИИБ томонидан 1970 йилда туғилган **Шохруҳ Худойбердиевич ЖУМАНАЗАРОВ** қидирилмоқда. Нуробод тумани Эгриқўл қишлоғида яшаган. 2003 йил 18 май куни эрталаб уйдан "ЯВА-350" русумли мотоциклда чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



**Белгилари:** бўйи 165-170 см, ўртача гавдали, юзи чўзиқроқ, сочи, қошлари сарғиш, лаби қалин, кўзлари қисик.

**Кийимлари:** эгнида қора чарм камзул, кўк кўйлак, шим бўлган.

**Алоҳида белгилари:** чап қўлининг билак қисмида 18-20 см, тана қисмида эса 8-10 см катталиқда жароҳликдан қолган чандиқ бор.

\*\*\*

Самарқанд вилояти Сиб тумани ИИБ томонидан 1987 йилда туғилган **Фурқат Саъдуллаевич НАРЗУЛЛАЕВ** қидирилмоқда. Сиб туманида яшаган. 2003 йил 28 март куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, тўла гавдали, юзи думалоқ, қоши сочи ва кўзи қора, қулоғи катта, лаби қалин.

**Кийимлари:** эгнида кўк спорт камзули, трико, оёғида сарғиш туфли бўлган.

Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Қилмиш—қидирмиш

# НОНҚЎРЛИК

Кексалардан бир ривоят эшитгандим. Бир йигит темирчига шоғирд тушади. Темирчи унга ўз касбининг нозик сирларини ўргатиб, қўли гул мутахассис бўлиб етишиши учун кўп меҳнат сарфлайди. Йигит касбини мукамал эгаллаб, ўзи темирчилик билан мустақил шуғуллана бошлайди. Кўп ўтмай топган озгина даромадидан ҳаволаниб кетиб, ичкиликка берилади, нопок кишиларга қўшилади. Топган-тутганидан айрилиб, ёмон йўлга кириб кетади ва бир куни устозининг устахонасига ўғирликка тушади. Бундан хабар топган устози уни дуоибад қилади. Йигитнинг гулдаи хунарини кўрсатадиган қўллари шол бўлиб қолади. Устоз – отадан улуг деймиш, унинг дуоси ҳам отаникидан кучли ва таъсирли эканини унутмаслик керак.

Жиззах туманидаги 14-ўрта мактабда 2 та компьютер термаси йўқолганини эшитганлар ҳайратдан ёқа ушлашди. Қайси нобакор, нонқўр экани оқ-қорани танитган, саводини чиқарган устозларнинг юзига оёқ тираб, билим даргоҳига ўғирликка туша! Аслида воқеа бундай бўлганди.

Ана шу зиё масканида ўқиб, тарбия олган тўрт улфат чойхонада ичкиликбозлик уюштиради. Нафси ҳақалак отган йигитлар бир ой чўлда қолган туядек ароқни роса сиришади. Бироқ “чанқоқ”лари қонмай туриб “обизамзам” тугайди. Ёнларини қоқлаша, бир мири ҳам чиқмайди.

– Ароқ яхши-ку, тамом бўлгани чатоқ-да, – деди Ж. Умар ароқдан бўшаган шишани қўлига олиб.

– Яна бир шиша бўлса, индамай симирардим, – деди М. Бекназар.

– Ёнингда ҳемири йўқ-ку нимани орзу қиялсан? – чайнади Ж. Маъмур.

– Алжираб ўтирсаларинг биров келтириб берармиди, ҳаракат қилинса топилади-да, – деди У. Камолитдин овозини пасайтириб.

Шу ерда режа тузилади. У. Камолитдин мактабга янги компьютер термаси келтирилганини айтади. М. Бекназар Гулистонда таниши борлиги ва сотиб олиши мумкинлигини “башорат қилади”. Ж. Маъмур машина топади, бошқа ишларга эса илгари ўғирлик қилиб қамалиб чиққан Ж. Умар бош бўлади.

Уша тунда мактаб қоровулининг мазаси қочиб, ўрнига кекса отаси келган экан. Йигитлар бу “омад”дан бошлари кўкка етади. Кекса киши чарчаб, ухлаб қолади. Пайтдан фойдаланган улфатлар компьютер турган хонанинг деразасидан тушиб, футболдаги ўлжани олиб кетишади.

Ҳар қандай жиноят исзиз кетмайди, албатта. Худди шунингдек, 14-мактабда содир этилган ўғирлик фош бўлиб, айбдорлар ушланди. Туман суди уларга қилмишларига яраша жазо белгилади.

**Д. СОАТОВ,**  
милиция катта лейтенанти.

Халқимиз ўтмишдан то ҳозирга қадар чўпонлар меҳнатини ҳамиша қадрлаб келган. Улар қорамол ва қўйларни йил-ўн икки ой қишнинг аёзли, ёзнинг жазирама иссиқ кунларида боқиб, эл ҳурматига сазовор бўлиб келишган. Бу юмушни муқаддас билган кўплаб чўпонлар таёқларини авлодларига қолдиришмоқда.

## ЧЎПОН НИҚОБИДАГИ «БЎРИ»

Булоқбошилиқ Хурсандбек Шодиев ҳам чўпонлик қилиб, тирикчилигини ўтказиб келаётган эди. У ҳар йили ёз-куз ойларида бир неча юзлаб қўй-қўзиларни пурвиқор Олой, Помир тоғ ёнбағирларида боқиб келади. Унинг чўпонликда катта тажриба тўлаганини эшитган Асака туманидаги “Ўзбекистон” ширкат ҳўжалиги раҳбарияти у билан шартнома тузди. Шартномага кўра Хурсандбек ҳўжаликнинг 342 бош қўйларини Тошкент вилояти Оҳангарон тумани тоғли ҳудудларидаги яйловларда боқиш учун олиб кетади. Кетиш олдидан ҳамқишлоғи Раҳмонни учратиш қолади:

– Эртага яйловга кетяпман, – деди у. – Хўп десанг, қўйларингни боқиб келишим мумкин.

– Майли. Хизмати қанақа бўлади?

– Ўғлингни ёрдамчи қилиб берсанг, кўзи пишарди.

Қисқаси Раҳмон Хурсанднинг таклифига рози бўлиб, ўғли Ҳикматни унга қўшиб жўнатадиган, бунинг эвазига унинг 83 бош қўйини боқиб берадиган бўлди.

Ангрен тоғ ёнбағирлари-

га эсон-омон етиб борган Хурсандбек яйловда ўтлаб юрган қўйларга қараб туриб бирдан няяти бузилди.

“Қўлдан берганга қуш тўймас, деган нақл бежиз айтилмаган. Шунча қўйлар ичидан 5-6 тасини сотиб юборсам биров билиб ўтирибдими”, – деган хаёл билан ўзича фойдани хомчўт қилди.

Шундай қилиб Х. Шодиев 3-4 ой ичида турли вазндаги умумий суммаси 1.597.375 сўмлик 109 бош қўйларни Ангрен шаҳридаги мол бозорига сотиб, пулларни ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборди. Август ойида ҳўжалик ферма мудир ва чорва ҳисобчиси яйловга келиб тафтиш ўтказишаётганда Хурсандбек дўсти Раҳмоннинг қўйларини кўшиб юборгани учун назоратчилар камомат топа олишмади.

Лекин бу қинғирлик кўп ўтмай фош этилди. Ўзига юклатилган масъулиятни унутган чўпон қонун олдида жавоб берди. Жиноят ишлари бўйича Булоқбоши тумани суди ҳўжалик қўйларини талон-торож этган Х. Шодиевга нисбатан адолатли ҳукм чиқарди.

**А. БУЗРУКОВ.**

# ТУНГИ ШАРПАЛАР

Тансиқой ая бир текисда нафас олиб, маст уйкуда ётган неварасига термилганча ўтирарди. Соат миллари тунги 3.00ни кўрсатарди. Шу топда негадир унинг уйкуси келмас, дилида қандайдир ғашлик бор эди. “Бир оздан сўнг тонг ёриша бошлайди. Нимадан ҳам хавотир олиш мумкин”, – дея ўзини тинчлантирган бўлди ва ўринга ёнбошлади.

Кўзи илинган эканми ёки қаричиликми, тепасида қандайдир шарпа келиб тўхтагандай бўлди. Ўгирилиб қараганди, кимдир пичоқ ўқталиб турганини кўрди. Нарироқда яна кимдир бор эди. Аёл бирмунча вақт талмовсираб қолди. Улар тепасига келиб ҳадеб “Пуллар қаерда, яширганларингни чиқар” дея қисталган қилаётганди. Тансиқой ая қараса, чилининг оёқ-қўли боғланган, оғиз очишга мажболи йўқ. Босқинчилар чолу кампирдан садо чиқмаслигини сезишди, уларни холи қўйиб ўзлари сандиқ ва уйдаги бор нарсаларни титқилай бошлашди. Улар 65 минг сўм пул, турли хил матолар ҳамда жами 710 минг сўмлик буюмларни олиб, воқеа жойидан қочиб кетишди. Қариялар ўзига келиб, дарров қўшниникига югуришди. Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори Хайриддин Миромимов бошчилигидаги тезкор гуруҳ воқеа жойига етиб келиб, босқинчиларнинг ташқи белгиларини сўраб-суриштириб, дарҳол “Тусиқ” тадбирини амалга оширишга киришдилар.

Тезкор гуруҳ аъзолари Тансиқой аянинг сўзлари бўйича қидирув ишларини бошлаб юбордилар. Улардан икки нафари шохбекатга келганда, бир йигит катта сумкалар билан атрофга аланлаганча кимнидир қутаётганди. Милиция ходимлари гумондор сари яқинлаша бошлашганда у нарсаларни ташлаб, қоча бошлади. Бироқ чапдаст йигитлар унинг кетидан қувиб бориб қўлга олдилар. Уни ўғирланган буюмлар солинган сумка билан Бўстонлиқ тумани ИИБга олиб келишди. Жабранувчилар босқинчини дарров танишди. Кўп ўтмай унинг шериклари ҳам хибсга олинди.

Хўш, тундаги уч шарпалар аслида кимлар эди? Улардан бири Х. Руслан бўлиб жиноят оламига анча йиллар олдин кириб келган, шу кунгача қилган қилмишлари учун 4 марта судланиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилганди. Амнистия шарофати билан муддатидан илгари озодликка чиққан бўлишига қарамай, тўғри йўлни танламади. Унинг шериги Ҳ. Ботир эса ўғирлик қилгани учун ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган эди. Учинчи босқинчи – Солижон гарчи Ботир ўғирлаган молни сотишда ёрдам бериб, воситачилик қилган бўлишига қарамай, жавобгарликдан қутулиб қолганди. Мана энди уч шарпа қилмишлари учун яна жазога тортдилар. Бироқ бу охиригимкин?

**Ш. АНВАРОВ,**  
милиция катта лейтенанти.

Сабок

## ОТА ҲАСРАТИ

Жазони ижро этиш муассасасидаги дийдорхона ҳар куни одамлар билан гавжум бўлади. Кимдир турмуш ўртоғи, кимдир отаси, бошқа биров уқасини йўқлаб келган. Бир қариянинг гап-сўзлари барчанинг эътиборини тартади. Отахоннинг кўзларида кўзойнак, қўлида ҳасса, қулоқлари эшитмайди. Муассасанинг мутасадди ходими қабулни бошлагунча қария ўзи гапирди, ўзи қўйди. Қолганлар эса унинг гапларини беихтиёр эшитишади.

“Ёшим 86 да – деди у. – Шу яқин орадаги қишлоқданман. Яёв келиб-кетаман. Менга қолса бирон марта ҳам келмасдиму кампиримнинг йиғлаб-сиқташидан безор бўлиб яна йўлга тушаман. Қариянинг бу кўргилик бор экан. Бир эмас, икки ўғлим қамқоқ-да. Шу ёшга кириб бирон инсон билан сан-манга бормаганман. Хайдар бобо дейишса, қишлоқнинг катта-кичиги бирдек иззатини жойига қўйишади. Эҳ, аттанг-а, нопок бола умринг эгави бўларкан. Шунча йиллик тоат-ибодатим қуйиб кетди. Мана шунисига ачинаман.

... Етти нафар фарзандни ҳеч кимдан кам қилмай катта қилдик. Кампирим ҳам қишлоқнинг кайвони аёлларидан.

Юсуф билан Шўҳрат мактаб даридаёқ текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб “донғи чикди”. Уқишга кириш, бирон ҳўнарнинг этагидан тутиш улар учун ёт бўлди. Мен, онаси, акаларнинг шунча қилган зорларимиз беҳуда кетди. Тақасалтанглик, кўчабезорилик ўғилларим учун одадга айланди. Қишлоқдаги тўй-маъракалар уларнинг жанжалсиз ўтмасди.

Икки-уч йил ичида қанча одамнинг тўйи можарога айланмади дейсиз. Охирги пайтлар ҳамма бу икки бетамизнинг хурмача қилиқларидан безор бўлди. Мен билан онасининг эса кечирим сўраб, бош эгиб бормаган хонадонимиз қолмади.

Уша кунни ҳам бир қишлоқдошимизникида тўй эди. Уғилларим элдан аввал тўйга шайланшиди.

Тонг отди ҳамки улардан дарак бўлмади. Онаси кимдир болаларимни ўлдириб қўйди, деб хавотирланди. Аксинча, менинг ўғилларим кимнидир чалажон қилиб қўйишди. Кўпчиликнинг жонига милиция оро кириб, зуравон ўғилларимни олиб кетишди. Иккиси ҳам темир панжара ортидан “кўним” топишди.

Аслида Аллоҳ нопок болани воёга етказган ота-онани яратмасин экан, – дея отахон кўз ёшларини артганча жимиб қолди. Хайдар ота фарзандларининг аянчли қисмати кўпчиликка сабоқ бўлса арзийди”.

**Мўйсифиднинг ҳасратини оққа кўчирувчи:**  
**С.АМИНОВА.**

Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

2003 йилнинг 13 январи. Кеч соат 17<sup>00</sup> ларда Тошкент техника университети талабаси М. М. автобус бекатида келди. Айни имтиҳон пайти, чарчаган. Хаёлида уйига тезроқ етиб олиб, бироз ҳордиқ чиқариш, сўнгра эртанги имтиҳонга тайёрланишни режалаштириб олганди. У ўз хаёллари оғушида турганида ёнига лўли миллига мансуб аёл келиб, ундан: “Университет қаерда?” дея қизга бошдан-оёқ разм солди. Қараса, у бинойидек кийинган, бунинг устига қулоқлари, бармоқларида тилла тақинчоқлар кўзни олиб турибди. Шунда аёл бирдан жиддий оҳангда:

– Қизим, сизнинг оилангизга кимдир совуқ нафас қилган. Яқин одамнингиз жиддий касал. Яқинда сиз ҳам шу касалга дучор бўласиз. – деди.

Тасодифни қарангки, М. М. нинг отаси ҳақиқатан ҳам бетоб бўлиб, оиласидагилар дўхтирма-дўхтир югуриб юришган эди. Қизнинг ранги доқадек оқариб, гарансираб қолди.

– Гапингиз тўғри, опажон. Хўш, нима қилишим керак? – дея ҳаяжонланиб сўради қиз. Шунда аёл бармоқлари орасига иккита игнани

## «СОВУҚ НАРАСНИ ДАФ ҚИЛАМАН»

жойлаштириб (игналардан бири аввалдан ранги қорайтирилиб қўйилган) оддий игнани қизга кўрсатиб:

– Мана сенга оқ игна, унга яхшилаб қара. Ҳозир рангини йўқотса, аҳвол чатоқ. Агар йўқотмаса, сени бахтинг, – дея қўлларини қизнинг боши узра айлантирди ва чаққонлик билан игнани қорасига алмаштирди. Қиз қорайган игнани кўриб, ўзини бутунлай лўли аёлининг ихтиёрига топширди. Фурсатдан фойдаланган фирибгар олдиндан тайёрлаб қўйилган китоб муқовасини очиб, қизга тилла тақинчоқларини ечиб, ичига солишини буюрди. Қиз унинг айтганларига сўзсиз бўйсунди. Лўли аёл ниятига етганди. У худди дуо ўқийтгандек бўлиб муқова ичидаги тилла тақинчоқларини олиб қўйди. Сўнгра:

– Энди бориб менга учта тош териб кел, қолган дуоларимни ҳам ўқиб, сени бало-қазолардан бутунлай озод қиламан, – дея қизни жўнатиб, ўзи жуфтакни ростлади.

Доно халқимизда “қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади” деган нақл бор. Буни қарангки, 2003 йил 2 июлда М.М. ТТЗ даҳасида келаётиб, айнан шу фирибгарга дуч келди. Бу сафар унинг шериги ҳам бор эди. Лўли аёл эски “танишини” танимай бу сафар ҳам бор маҳоратини ишга солиб, роса сохта башоратлар билан “сийлади”. Жабранувчи ўзини йўқотмай, унинг ҳамма гапларини маъқулади, жимгина эшитди. Гап бориб тилла тақинчоқларга тақалганда М. М.:

– Менинг уйим шу яқин орада. Ҳозир бориб, сизларга тилла тақинчоқларимни олиб келаман, – дея дарҳол милиция ходимларига хабар берди. С. Раҳимов тумани ИИБда аёлларнинг шахси аниқланди. Уларнинг ёнидан далилий ашё сифатида игна, майда тошлар, ҳар хил диний китоблар топилиди. Яна бир фирибгарликка чек қўйилди.

**М. ЮНУСОВА.**

<p>Республика ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Алоқа бўлими бошлиғи, ички хизмат полковниги А. Яковенкога онаси <b>Анговина Алексеевна ЯКОВЕНКО</b>нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>	<p>Республика ИИБ ҲОБОБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарма катта инспектори, милиция катта лейтенанти Ф. Пармоновга қизи <b>МОҲИНУР</b>нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>	<p>Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Учқудуқ тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани <b>Неъмат САМНЕВИ</b>нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>	<p>Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ ҲЧК ва ФБ бошлиғи, милиция подполковниги М. Абдуллаевга укаси <b>Носир АБДУЛЛАЕВ</b>нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.</p>	<p>Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Когон шаҳар-туман ИИБ наватчилик қисми катта инспектори, милиция майори К. Фуломовга падари бузруквори <b>АСҚАР отанин</b>г вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>	<p>Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Сирдарё тумани ИИБ наватчилик қисми ходими, милиция старшиниси <b>Асан КУКНЕВИ</b>нинг хизмат бурчини бажариш вақтида фожиа ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>
<p>Республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси ва Марказий поликлиника раҳбарияти ва жамоаси поликлиника шифокор-лаборанти Г. Ковилинага ўғли <b>Вадим КОВИЛИН</b>нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор қиладилар.</p>	<p>Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ховос тумани ИИБ ЖК ва УЖКБ тезкор вакили, милиция майори М. Ҳамидовга падари бузруквори <b>ҚАЙНАР отанин</b>г вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>	<p>Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЭКБ эксперти, милиция капитани И. Сафаровга онаси <b>ФОТИМА аянинг</b> вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>	<p>Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ШТБХ инспектори, ички хизмат капитани С. Қаршиевга онаси <b>ҚЎЗИБУВИ аянинг</b> вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>	<p>Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Когон шаҳар-туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги И. Шерназаровга онаси <b>МУНИРА аянинг</b> вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>	

Ёз — ўтмоқда соз

## БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Пойтахт вилояти ҳудудида жами 52 та болалар оромгоҳи мавжуд бўлса, шунинг 40 дан ортиги хушманзара ва баҳаво Бўстонлик туманида жойлашган. Бу оромгоҳларда мавсум давомида 20 мингдан ортиқ болалар дам олишади. Маълумки, болаларни ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш биринчи навбатдаги вазифадир. Уларни хавф-хатарсиз белгиланган манзилларга элтиб қўйиш ИХХБ ходимлари зиммасида.

Оролбўйи болаларининг оғир экологик шароитлари ҳисобга олиниб, тумандаги аксарият оромгоҳлар уларни қабул қилиш, саломатликларини тиклашга қаратилган. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасидан 787, Хоразм вилоятидан 510, Навоий вилоятидан 193 нафар болалар табиат кўйида мириқиб таътиллари ўтказишяпти. Болалар ўртасида тарбиявий ишларни олиб бориш мақсадида 36 нафар ходим ажратилган. Оромгоҳларда турли мавзуларда суҳбатлар, савол-жавоб кечалари, викториналар ўтказиляпти. Тумандаги "Тонг", "Йўлчи", "Оқ елкан", "Чимён", "Хумо", "Бахт", "Кимёгар", "Сойлик" каби масканларда дам олаётган ўқувчиларнинг қувончи чексиз.

— 5 йилдан бери ёзги мавсумда иштирок этаман. Шу давр мобайнида оромгоҳларда биронта бола-нинг безорилик ёки ноҳўя хатти-ҳаракатлар қилгани билмайман, — дейди вилоят ИИБ ХООБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, милиция катта лейтенанти Ойгул Жаркинова. — Болалар жуда одобли, ўзларига белгиланган вазифаларни сидқидилдан бажариб, оромгоҳ тартиб-қоидаларига тўла амал қилишади. Уларнинг ҳар бири бир дунё. Айрим болалар ҳар йили бир марта оромгоҳга келиб дам олишади. Бу эса шундай қисқа вақт ичида шу ерга меҳр қўйганидан далолат беради. Демак, бу оромгоҳдаги энг яхши хотиралар қалбига муҳрланган.

Педагог-тарбиячилар ҳамда профилактика инспекторлари ҳамкорликда иш олиб бориб, туғилган муаммоларни биргаликда ҳал қилишга келишиб олишган. Ҳар куни болаларга тегишли йўриқлар берилишидан ташқари, уларнинг соғлиғи, санитария-гиена қоидаларига амал қилиши ҳам текшириб борилади.

О. АРСЛОНОВ,  
милиция подполковниги.

да "Яшил чирок" тадбири ўтказилиб, болаларнинг бу борадаги билимлари синаб кўрилди.

Июль — август ойларида мактабларда ёзги майдончалар фаолият юритади. У ерга кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва тарбияси оғир болалар қабул қилинаёпти. Айни пайтда тумандаги 41 та мактабдан 39 та майдонча ишлаб турибди.

— Мактабимиздаги ёзги майдончада 25 нафар бола тарбияланмоқда, — дейди 97-мактаб раҳбари М. Салимова. — Майдончамизда турли тўғарақлар мавжуд. Ундан ташқари Юнусобод туман ИИБ ва халқ таълими бўлими ходимлари биргаликда "Йўл ҳаракати хавфсизлиги", "Ёнғин хавфсизлиги" тадбирларини ўтказдилар. — Болалар тадбирларда фаол иштирок этиб, ўз билимларини оширишди, — дейди болалар тарбиячиси Камола Одилова. — Ёнғин муҳими, дам олаётганлар вақтларини мазмунли ўтказмоқдалар.

Н. МАҲМУДОВА.



## «КОИНОТ» БАҒРИДА

Бундан тўрт йил муқаддам Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти тарбияси оғир болалар оромгоҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эди. Бу тақлиф вилоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди.

Мана бир неча йилдирки, Урганч тумани пахта тозалаш ҳиссдорлик жамиятига қарашли "Коинот" оромгоҳи фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу йил ҳам ёзги таътилнинг дастлабки ойида вилоят ҳудудидаги тарбияси оғир болалардан 100 нафарини ўз бағрига олди. Яқинда улар Чолиш қишлоғидаги сўлим табиат кўйида жойлашган ушбу масканда мириқиб дам олишди. Оромгоҳда футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, кутубхона, барча қулайликларга эга ошхона, дам олиш хоналари болалар ихтиёрида бўлди. Улар оромгоҳлараро мусобақаларда фаол иштирок этишди. Айниқса, кўшни "Жайхун", "Шодлик" оромгоҳлари дам олувчилари билан бўлган беллашувлар ниҳоятда кескин, муросасиз тарзда ўтди. "Коинот" болалари бокс баҳсларида мутлақ ғолиб чиқишди.

— Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси оромгоҳ доимий фаолият кўрсатиши учун бошқармамиз билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда, — деди вилоят ИИБ ХООБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олди-

ни олиш гуруҳи катта инспектори, милиция майори Мақсуд Худойбергенов. — Бу ерда болаларнинг билим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши ҳамда саломатликларини мустаҳкамлашлари учун барча шароитлар яратилган.

"Хоразмтранс" давлат акциядорлик бирлашмаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими каби саккизта ташкилот оромгоҳга хайрия ёрдами кўрсатишни ўз зиммаларига олишган. Саховатли инсонларнинг бегараз ёрдами тўғрисида ёзги таътилнинг биринчи ойи ниҳоятда сермазмун, таассуротларга бой тарзда ўтди. Болалар кўҳна Хива шаҳрини ҳам томоша қилишди.

— Бу ерда ёз давомида 300 нафар тарбияси оғир болалар дам олиб, ҳордиқ чиқаришади, — деди оромгоҳ раҳбари Х. Фаязов.

Х. ЖАББОРОВ.

Суратда: «Коинот» болалар оромгоҳи ҳаётинан лавҳа.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.

## Кундузги ОРОМГОҲЛАРДА

Маълумки, ёзги таътилда болалар ўз вақтларини турли оромгоҳларда ўтказишга ҳаракат қилишади. Ана шундай масканлар айнан болалар таълим оладиган мактабларда ҳам ташкил қилинади. Бу борада Юнусобод тумани мактабларида амалга оширилаётган ишлар, хусусан ички ишлар ходимлари ташкил этаётган тадбирлар билан танишиш мақсадида туман халқ таълими бўлимининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича услубчиси Нодира Мусашайхова билан суҳбатлашдик.

— Туманимиздаги 260, 257, 220 — мактабларда кундузги дам олиш масканлари очилган, — деди Нодира Маъсудовна. — Уларда "Бой-

чечак", "Шодлик", "Офтобча" каби гуруҳлар ташкил қилганмиз. Кундузги оромгоҳларда уч юз нафар бола дам олиши мўлжалланган.

Болажонларнинг дам олиши давомида "Йўл ҳаракати қоидаларини карра жадвалдек бил", "Болалар — гиёҳвандликка қарши" мавзуларида қатор тадбирлар ўтказилиб, унда туман ИИБ ЙПХ ва бошқа хизматлар ходимлари иштирок этишди. Уччала оромгоҳга ҳам туман ИИБ ЁХБ бошлиғи, ички хизмат подполковниги З. Азимов ташриф буюриб, болалар билан ёнғиннинг келиб чиқиши ва оқибатлари, ёнғин юз берганда кўриладиган чоралар ҳақида суҳбатлашиб, болаларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб берди. Бундан ташқари, оромгоҳлар-


Сўраган эдингиз...

## МУЛК ХАТЛАНДИМИ?

Баъзан мулкнинг хатлаб қўйишди, деган гаплар қулоққа чалишиб қолади. Хатлаш қандай амалга оширилади?

Д. МЕНГЛИЕВ,  
Қарши шаҳри.

Бу жараён Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларига асосан кечади. Ҳуқмнинг фуқаровий даъвогар, бошқа мулкнинг ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкни хатлаши шарт. Хатлаш мулкдорга ёки мол-мулкнинг эгасига мол-мулкни тасарруф қилиш, зарур ҳолларда эса, ундан фойдаланиш ман этилганлигини эълон қилишдан ёхуд мол-мулкни тортиб олишдан ва уни сақлаб туриш учун бошқа шахсларга топширишдан иборатдир. бу ҳолатлар хатлаш баённомасида қайд қилиниб, мулкдор таништирилиши лозим.



## ЦИКЛОКРОССВОРД

1. Ўзбек халқ мақоми. 2. Ҳиндистонда муқаддас ҳисобланувчи дарё. 3. Самолёт зинаси. 4. Ҳажм ўлчови бирлиги. 5. Абдулхамид Чўлпон шеъри. 6. Никоҳлаш пайтида ўқиладиган дуо. 7. Табиат, жамият ҳаётида юз берадиган ўзгариш. 8. Бинокорлик ва рассомликда ишлатиладиган оқ маъданли бўёқ. 9. Фарбий Европадаги давлат пойтахти. 10. Ип ёки ипақдан тўқилган газлама. 11. Бажариладиган иш режаси. 12. Сунъий уйку ҳолати. 13. X-XI асрларда юзага келиб, йўлбошич номини олган ва катта ҳудудни эгаллаб, нуфузга эришган туркий-ўғуз қабиласи. 14. Россия автомобили маркаси. 15. Сутсимон ширасида ўткир захарли модда бўлган тропик дарахт. 16. Ўзбек мумтоз шоири, "Гул ва Наврўз" достони муаллифи. 17. Қуруқ мева. 18. Қимматбаҳо тош, маъдан тури. 19. Республикаимиздаги халқ амалий ҳунармандлари бирлашмаси. 20. Осмон. 21. Яқин қариндош. 22. Оммавий байрам томошалари.

МУАММОНОМА

Шакл атрофи ва марказидаги рақамларда Ўзбек мумтоз шоири Хайдар Хоразмий меросига мансуб икки мисра ҳикмат яширинган. Уни қуйидаги очкич сўзлар ёрдамида билиб олинг.

1. Насрий асар тури — 9,2,1,4.
2. Абдурауф Фитрат қаламига мансуб саҳна асари — 4,11,1,8,3,12.
3. Хоразм халқ достонларидан бирининг қаҳрамони — 10,4,11,2,5.
4. Уруғи новвойликда ишлатиладиган бир йиллик ўсимлик — 1,7,6,4,12,4.
5. Вулқондан отилиб чиқадиган модда — 12,4,14,13,4.

Ф. ОРИПОВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Бахс. 2. Сабо. 3. Одам. 4. Машқ. 5. Қайиқ. 6. Қуёш. 7. Шахт. 8. Ток. 9. Кито. 10. Остона. 11. Аа. 12. Адабиёт. 13. Танго. 14. От. 15. Тарим. 16. Муборак. 17. Кифт. 18. Тонг. 19. Газета. 20. Арк. 21. Кўчат. 22. Том. 23. Маре. 24. Ечим. 25. Мош. 26. Шам. 27. Мўри. 28. Илм. 29. Майна. 30. Ақл. 31. Литр. 32. Рўян. 33. Нўхат. 34. Тилла. 35. Алик.

Шаклнинг доирачали зоналаридаги икки мисра шеър:

Ҳаётда барча қўл, бахтига очар йўл.

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ИВ  
БИРЛАШГАН  
ТАҲРИРИЯТИ

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir  
Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir  
o'rinbosari v.b.  
Murod  
TILLAYEV  
Mas'ul  
kotib  
R. BERDIYEV

Navbatchi  
S. SHAMSIDDINOV  
Sahifalovchi  
Z. BOLTAYEV  
Musahhih  
G. XOLIQOVA

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir  
o'rinbosari 139-75-69.  
Kotibiyat 59-20-96.  
muxbirlar  
bo'limi 139-75-69.  
Buxgaltar 139-75-37.  
Faks 132-05-51.

E-mail:  
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.  
«Ipak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat  
bankining Mirzo  
Ulug'bek bo'limi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot  
qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan

Buyurtma Г — 579. Hajmi — 4 bosma taboq.  
Bosilish — ofset usulida. 44391 nusxada chop etildi.

• Ko'chirib bosishda  
«Postda» dan olinganligini  
ko'rsatish shart  
• Muallifning mulohazasi  
tahririyat fikriga mos  
tushmasligi mumkin.  
• Qo'lyozmalar tahlil  
qilinmaydi va  
qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:  
Yakka tartibda — 180  
Tashkilotlar uchun — 366  
Gazeta haftaning payshanba  
kunlari chiqadi.  
Bosilishga topshirish vaqti — 20.00.  
Bosilishga topshirildi — 20.00.

«SHARQ»  
nashriyot-matbaa aksiyadorlik  
kompaniyasi bosmaxonasida  
chop etildi.

Korxonalar manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi  
41-uy.  
1, 2, 3, 4, 5, 6.